



Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Mustaqillik huquq demakdir

Н И Ш О Қ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 30-dekabr, №52 (729)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги 407-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-моддадаги** «Республика» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тим-соли бўлади»;

3) **4-модданинг:**
иккинчи ва учинчи қис-мларидаги «Байроқнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Янги ой ва юлдузларнинг» деган сўзлар «Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Янги

ой» деган сўзлар «Оқ рангли янги ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми биринчи жумласидаги «Юлдузлар» деган сўз «Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **5-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

1) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг; республика давлат бошқаруви органларининг; Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати-нинг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг; судларнинг; прокуратура органларининг биноларида;

/Давоми 2-бетда/

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда;

2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

/Давоми 4-бетда/

Идоралараро комиссия йиғилиши

Жорий йилнинг 27 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодилов раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят ҳудудий идоралараро комиссияларининг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Хусусан, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари томонидан одам савдоси жабрдийдаларини тизимли равишда тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўриб борилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш бўйича Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самаралорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан юклатилган вазифаларни бажаришда муайян ишлар амалга оширилган.

Шулар билан бир қаторда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мазкур ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилиб, одам савдо-

сига қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда соҳага алоқадор идоралар ўртасида ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни одам савдоси жабрдийдасига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жадаллаштириш ва жабрланувчиларга тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиясининг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш вазири ҳамда қайд этилган ҳудудий идоралараро комиссиялар раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокама натижаларига кўра, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилан олindi.

Йиғилишда Республика идоралараро комиссияси ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи тахлий йишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлис якунига кўра қабул қилинган комиссия қарори ижро этиш учун тегишли идораларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси



2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Қамаши туман ҳокимлигининг мажлислар залида «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш давр талаби» мавзусида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти вилоят бошқармаси, вилоят Марказий банки, монополиядан чиқариш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, савдо-саноат палатаси ва бошқа вилоят ташкилотларининг бошлиқлари, туман прокуратураси, туман ИИБ ва туман ДСИ бошлиқлари, ЖИБ туман суди раиси ва суд ижрочилари, тумандаги раҳбарлари ва фермер хўжалиқларининг раислари иштирок этишди.

Йиғилишни Қашқадарё вилоят прокурори Х.Турдибоев кўриб борди. У ўз сўзида Конституциямиз қабул қилинганлигини 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда

Иш билганга кенг имконият

Президентимиз томонидан кўриб келаётган 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши юртдошларимиз томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинганлигини таъкидлади.

— Аънанвий тарзда ҳар бир йилнинг маълум бир ном билан аталиши ва шунга монанд Давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини белгилловчи мезон вазифасини ўтаётди. Президентимиз ўз маърузаларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи бўлиши шарт», деб таъкидладилар. Чиндан ҳам кейинги йилларда мам-

лакатимизда қолаверса вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаганларга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратилапти. Мана шундай имкониятлардан тўлақонли фойдаланган тадбиркорларимиз меҳнати эвазига юртимиз бозорлари янги, сифатли маҳсулотлар билан бойимокда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар нафақат ички бозорларимизда, балки жаҳон бозорларида ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келаяпти.

/Давоми 6-бетда/

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЎзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги
айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг
Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда/)

2) доимий равишда:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг;

республика давлат бошқаруви органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажлислар залларида;

3) доимий равишда:
Ўзбекистон Республикаси Президентининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисларининг;

республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарида;

4) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган байрам кунларида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларида;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгаши раисининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;

6) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларида ёки худудларида ва транспорт воситаларида — халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипло-

матик протокол қоидаларига ҳамда ваколатхоналар ва муассасалар жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ;

7) хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида;

8) расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг, Ўзбекистон Республикасининг бошқа расмий делегациялари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқлари тушган чет элдаги денгиз ва дарё кемаларида, бошқа транспорт воситаларида;

9) Ўзбекистон Республикаси кемалар қатнови инспекциясининг кемалар реестрида рўйхатга олинган денгиз ва дарё кемаларида;

10) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий бирлашмаларида, қўшилмаларида ва қисмларида, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларида — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;

11) доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида;

12) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларининг, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларининг ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларининг мукофотлаш маросимларининг ўтказиш вақтида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида кўтарилиши мумкин;

5) қуйидаги мазмундаги 5¹ ва 5²-моддалар билан тўлдирилсин:

«5-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автоматотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгилари;

Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлилигини белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

5¹-модда. Ўзбекистон Республи-

каси Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас;

6) 6 ва 7-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

ўшбу Қонун 5-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйлади;

ўшбу Қонун 5-моддасининг 5-бандида назарда тутилган ҳолларда овоз бериш ёки референдум ўтказиш даврида кўтариб қўйлади;

ўшбу Қонун 5-моддасининг 7-бандида назарда тутилган ҳолларда хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг ташриф буюришидан 24 соат олдин кўтарилади ва улар жўнаб кетганидан кейин 24 соат мобайнида тушириб қўйлади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинининг олд томонига қараб турганда) чап томондан кўтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчамини Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчамидан катта бўлмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш бандлиги ёки эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш бандлигидан паст бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро ҳуқуқ нормаларига ва дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил бандлиқда жойлаштирилиши ҳамда бир хил ўлчамга эга бўлиши керак;

7) 8-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кўтариб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси ер сатҳидан камиди 2,5 метр бандлиқда бўлиши керак»;

8) 9-модданинг иккинчи қисмидаги «Байроқ» деган сўз «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 10-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

10) 11 ва 12-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11-модда. Ўшбу Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

12-модда. Ўшбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади»;

11) 13-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида» 616—XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 2-моддадаги «республика» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 3-модданинг биринчи қисми тўртинчи жумласидаги «республика» ва «Ўзбекистон» деган сўзлар тегишсиз «Ўзбекистон Республикаси» ва «O'zbekiston» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 4-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

1) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

республика давлат бошқаруви органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;

судларнинг;

прокуратура органларининг;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларининг олд томонига;

2) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

унинг Кенгашининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва унинг Кенгашининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

республика давлат бошқаруви органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;

судларнинг;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг никоҳ тантанали равишда рўйхатга олинган мажлислар залларига;

3) домий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисларининг;

республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошқиларининг хизмат хоналарига жойлаштирилади;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг бланкаларида;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва унинг девонининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

давлат бошқаруви органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;

судларнинг;

прокуратура органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг);

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарининг;

нотариусларининг ҳамда Қорақал-

поғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивларининг;

қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг расмий нашрларида;

7) Ўзбекистон Республикасининг пул белгиларида;

8) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатик паспортларида;

9) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларида ўрнатилган сарҳад устунларида;

10) Ўзбекистон Республикаси почта аллоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта кутиларида;

11) умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда акс эттирилади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикасига тегишлилики белгилаш мақсадида предметларда, ўқув тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин;

4) қуйидаги мазмундаги 5'-модда билан тўлдирилсин:

«5'-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодават ташкилотлари ҳужжатларининг рекузитлари ёки реклама материаллари қиритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

Нодават нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас;

5) 6 ва 7-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6-модда. Ушбу Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

7-модда. Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади;

6) 8-модданинг:

биринчи қисмидаги «республикада турган ўзга шахслар» деган сўзлар «Ўзбекистонда турган бошқа шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги 768-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) 3-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатидаги киришиш чоғида — у қасамёд қабул қилганидан сўнг;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;

3) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларининг очилиши чоғида;

4) давлат телевидение ва радиозинтириш компаниялари томонидан ҳар куни — кўрсатув ва зинтиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва зинтиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида — соат 24 да;

5) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллари, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа нишотларнинг очилиши чоғида;

6) давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байрогини кўтариш чоғида;

7) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошқиларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида — тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганда кейин;

8) ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;

9) умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳуна ва олий таълим муассасаларида — янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида;

10) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган қўлибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ижро этилади;

2) 4-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида ижро этилиши мумкин;

3) 7-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қўнчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл қафтини кўкрагининг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидеги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош қийимига қўйиб тинглайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байрогининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади»;

4) 8-модданинг:

иккинчи ва учинчи хатбошиларидеги «мадҳия» деган сўз «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ўқув юртларида» деган сўзлар «таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 11-моддадаги «ўқув юртларида» деган сўзлар «таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

да» деган сўзлар «таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 12-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Ушбу Қонуннинг ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади»;

7) қуйидаги мазмундаги 13-модда билан тўлдирилсин:

«13-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонунини билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мазмунрий жавабгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 203'-модда билан тўлдирилсин:

«203'-модда. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроги, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш,

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг биринчи қисми «203» рақамидан сўнг «203» рақами билан тўлдирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 декабрь
№ УРҚ-273

“Халқ сўзи” газетасида 2010 йил
25 декабрь 248 (5163)-сонидан олинди.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЎзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал
кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

1) 57⁻модданинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:"57⁻модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш";

2) 66-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартаф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим";

3) 71-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"71-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартаф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг таъшилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башари у оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган

шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда суд томонидан жазодан озод қилиниши лозим".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротомаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротомаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротомаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 84-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 8-банд билан тўлдирилсин:

"8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахсининг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса";

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади";

бешинчи қисми 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс

айбини бўйига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартаф қилган бўлса";

2) 333-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишнинг кўзгагилини рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишнинг кўзгагилини рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди";

3) 362-модданинг иккинчи қисмидаги "тўртинчи" деган сўз "бешинчи" деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 401-модданинг иккинчи қисмидаги "тўртинчи" деган сўз "бешинчи" деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 421-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Агар суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд ишнинг кўриши давом эттиради ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқаради";

6) 463-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

"6) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса";

7) 493-модданинг матнидаги "1 ва 4-қисмларида" деган сўзлар "биринчи ва бешинчи қисмларида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Тошкент шаҳри,
2010 йил 27 декабрь
№ УРҚ-277

И.КАРИМОВ

"Халқ сўзи" газетасининг 2010 йил
28 декабрь 249 (5164)-сонидан олинди.

2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Тадбиркорлик ривож
бизнинг қўлаб-қувватлашимизга ҳам боғлиқ

Юртимиз раънақи, халқимиз турмуш даражасини оширишда тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўрни беқийс. Шу боис, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётди. Бунинг натижаси ўлароқ, қўлаб-қувватлашимиз ҳам ўзлари, ҳам эл-юрт манфаатларини қўлаб-қувватлаш қилмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳам миллионлаб ватандошларимиз учун бу борада ҳар йилгидан-дан кенг имкониятлар эшигини очиб, шубҳасиз. Бундай имтиёзлардан фойдаланиб, ўз фаолиятини янада ривожлантиришни қўлаган, эл-юртнинг иқтисодий раънақи йўлида меҳнат қилаётган, ҳозирги бозор иқтисодиёти жараёнида иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётган ишбилармонларнинг сафи тобора кенгайиб боришига замин яратиши, албатта, таъсирли сазовор.

"Баркамол авлод йили"нинг мантиқий давоми бўлган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" ёшларимиз учун ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ўз навбатида, уларга янги иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлайди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти жараёни жалад суръатларда ривожланиб бораётган экан, ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётганини, бир қатор қонунлар, меъриий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3665-сонли ва "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жаладлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3618-сонли Фармонлари соҳада олиб бораётган сиёсатнинг таянчларидан, деб айтиш мумкин.

Юртбошимиз томонидан 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам ислохотларнинг узвий давомидир. Бу билан иқтисодиётимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни бозор муносабатлари ривожланиши билан такомиллаштириб боришмоқда. Қунидан-қунига ушбу субъектлар сонини кўпайиб, уларнинг фаолият доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Улар фаолиятини назорат қилувчи органлар ноқонуний аралашуви тартибининг олдини олиш учун давлат органлари томонидан назорат қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бозор муносабатларининг ривожланиши билан соддалаштириб боришмоқда.

Ҳукуматимизнинг юқоридаги меъриий ҳужжатларида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, хусусан, прокуратура органлари ҳам бир қатор вазифалар юксатилган. Жумладан, назорат қилиш органларининг текширишларини тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя

этиши, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолиятини устидан мунтазам назоратни амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назорат амалга ошириб келинмоқда.

Айтиш жоизки, Норин туман прокуратураси томонидан ҳам мазкур соҳадаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг қўлаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишларини қаматириш, турли тўсиқ ва қамчиллик ҳамда ўзбилармончиликларга барҳам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туман прокуратураси томонидан жорий йилда ўтказилган назорат тадбирлари давомида ўндан зиёд тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Шунингдек, туман Халқ банкидан кредит ололмади, сарсон бўлиб юрган уч нафар тадбиркорга прокуратура аралашуви билан қаровчилик мақсадлари учун кредит олишда амалий ёрдам берилди. Яна бир мисол. Норин тумани Бандликка қўмақлаштириш марказининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2010 йил текширувлар режа-жадвалига асосан ўтказилган


Шавкатжон АБДУЛЛАЕВ,
Норин тумани прокурори

текшириш якуни бўйича "Осиё қалити" кўп тармоқли хусусий корхонаси бошлиғи К.Миромиловага нисбатан меҳнат ва техника инспектори томонидан МЖКнинг 49-моддаси бўйича алоҳида-алоҳида қарор чиқарилиб, ноқонуний тарзда икки марта жарима жазосига тортилган.

Текширувлар давомида мазкур қарорлар туман прокуратураси томонидан бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Ўз навбатида, ноқонуний қўлланилган ортиқча 76360 сўм жарима тадбиркорга қайтарилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан маҳаллий ҳокимлик ва ўзининг ўзи бошқариш органлари, барча банк муассасалари, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган йилги-учрашув ва суҳбатларда уларга соҳага тааллуқли қонун-қондалар тушунтирилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари эслатиб ўтилмоқда. Бу каби тадбирлар фақатгина режа асосида эмас, балки ҳуқуқий-амалий ёрдам сураб туман прокуратурасига мурожаат қилган тадбиркорларга ҳам етказилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва қарор ортида инсон манфаати ҳамда ҳуқуқлари ётибди. Шундай экан, бепарволик ва бепишандликка барҳам бериб, мавжуд муаммолар билан жиддий курашни лозим. Шундагина жамият ривожига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.



Қоғозда қолиб кетган бўлса...

2006-2007 йилларда туман ҳокимининг қарори билан 6 сотихдан уй қуриш учун ер ажратиш ҳақида фармойиш чиққан бўлса-да, айримларга бу ер майдонлари берилмай қолиб кетган бўлса, кейинчалик ҳам ер ўлчаб берилиши мумкинми?

Ашурли Насиралиев

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида"ги Низомда якка тартибда уй-жой қуриш учун ариза туман (шаҳар) ҳокими бошчилик қиладиган, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия томонидан қуриб чиқиш белилган. Комиссия ариза олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ер участкаси беришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки ер участкаси бериш асосли равишда рад этилиши тўғрисида ҳулоса чиқаради.

Ер участкаси бериш рад этилган тақдирда ҳокимлик уч кун муддатда бу ҳақда ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Ер участкаси бериш рад этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Шу боис, агар сизга уй-жой қуриш учун туман ҳокимлигининг қарори чиққан бўлса-да, бироқ ер участкаси ажратиб берилмаган бўлса, судга бузилган ҳуқуқларни тиклаб беришни сўраб мурожаат этишингиз лозим.

Ўзгартириш киритилдими?

Мен Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежида касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлайман. Коллежимиз маъмурияти номидан сизларга бир савол билан мурожаат этмоқчи эдим. Ходимларни байрам саналари, жамоат ишларида фаол қатнашган, муҳим саналар (ҳодимнинг 40, 50, 60 ёши) муносабати билан рағбатлантирса бўладими?

"Солиқ ва боғхона хабарлари" газетасида рағбатлантиришга ўзгартириш киритилди дейилган.

М.Усмонова

Меҳнат кодексининг 153-моддасида меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланиши қайд этилган. Бундан локал ҳужжатларга жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа келишувлари, интизом тўғрисидаги устав ва низомилар кирди.

Қолаверса, мазкур кодекснинг 180-моддасига кўра, ишдаги утуклар учун ҳодимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш юқорида тилга олинган жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомиларда белгилаб қўйилади. Бироқ, шунинг унутмаслик кераки, иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ҳодимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Қолиб кетган уй тақдири

Кейинги пайтларда кўп хонадонли уйлардан эгаси номаълум бўлганларини давлат ҳисобига ўтказиб юборишяпти. Бунинг учун ўша номаълум бўлган уй эгасининг узоқ вақт йўқлиги асос бўладими? Билишимча, ҳусусий мулк дахлсиз. Шунинг учун уни қандай қилиб давлат ҳисобига ўтказиб юбориш мумкин?

Тўланбой Эргашев

Уй эгасининг узоқ вақт бўлмаганлигининг ўзи унинг давлат ҳисобига ўтказиш учун асос бўлмайди. Бунинг учун бир неча ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Хусусан, бу каби уй-жойларнинг эгасизлиги энг биринчи ҳолда узоқ (6 ойдан кўпроқ) вақт мобай-

нида бўш турганлиги, яъни ушбу турар жойда қонуний асосларда яшайдиганлар бўлмаганлиги, бунинг натижасида у ерда қуйидаги ҳолатлар вужудга келган турар жойни эгасиз ва ҳисобга қўйилмаган турар жой сифатида ҳисобга олинади:

а) бўш турган ушбу давр учун коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзлар мавжудлиги. Турар жойда яшовчилар йўқлиги бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тегишли органи томонидан, коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзларнинг мавжудлиги бўйича эса - ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан тасдиқланади;

Мен Сайхунбод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида маҳалла посбони вазифасида ўн йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Маҳалла посбонлари Республика Президентининг 1999 йилги 180-сонли қарорига мувофиқ тарзда тузилган ва уларга маҳалла раислари ойлик маошлари га тенг миқдорда маош бериш кўрсатиб ўтилган эди. Лекин ҳозирги пайтда маҳалла посбонларининг ойлик маошлари қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳодимларининг ойлик маошларидан кам бўлиб турибди. Бундан ташқари, мен туман ҳокимлиги ҳисобхонасига бир неча марта мурожаат қилиб, соғлигимни тиклаш мақсадида молдий ёрдам сўрадим. Аммо маҳалла посбонларига молдий ёрдам, мукофотлаш учун сметада пул ажратилмаган дейишди.

Мана шу масалаларни ҳал қилишда маслаҳатларингизни кўтиб қоламан.

Баҳодир Завқиев

Посбонларга қўшимча ҳақ борми?

Ҳақиқатан ҳам маҳалла посбонлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрель кунги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти мазкур қарор билан тасдиқланган "Маҳалла посбонлари жамоат тузилмалари тўғрисида"ги Низом асосида юритилиши белгилаб қўйилган.

Қарорда белгиланишича, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари раҳбарлари таъминоти учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликларига 1999 йил май ойидан бошлаб маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиб туриш топширилган. Ва мазкур жамоат тузилмаси раҳбарига тўланадиган ойлик маош тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раисининг маошига тенг миқдорда бўлиши белгиланган.

Агар сиз тилга олаётган моддий ёрдам ва мукофотлар тўловига келадиган бўлса, бу каби тўловлар учун зарур бўлган маблағларни ажратиш маҳаллий бюджет ҳисобидан бўлиши кўзда тутилганлиги боис, бу каби тўловлар йил бошида тасдиқланадиган ҳа-

ражатлар сметасига киритилган бўлиши лозим.

Маҳалла посбони жамоат тузилмаси саналганлиги сабабли, унинг сафига онгли равишда ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон-этикодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органлари га кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Мурожаатнинг муддати

Менга "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддаси юзасидан аниқлик киритишда ёрдам беришингизни сўрайман.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси билан мурожаатни кўриб чиққан давлат органи вакили ёзма шаклда ўзи шахсан таништириши керакми?

Натижани ёзма шаклда почта орқали юбориш ҳам мумкинми?

Мурожаатнинг жавоби почта орқали юборилса, 2-модда II қисми талаби қандай бажарилади?

Почта орқали юборилиши мумкин бўлса, мурожаатни кўриб чиқиш муддати қандай ҳисобланади? Муддат почта орқали юборилган кун биланими ёки хатни олган куним билан ҳисобланадими?

Абдуҳаким Абдукаримов

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, мурожаат оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга.

Мазкур қонуннинг 21-моддаси талаби бўйича фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт, деб белгиланган. Бироқ, қонун ёзма мурожаатни кўриб чиққан давлат органи мансабдор шахсини уни шахсан топшириши шартлигини белгилamayди. Бинобарин, фуқаронинг мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор почта орқали юборилади.

Агар фуқаро оғзаки мурожаат этса, унга қонуннинг 8-моддаси талаби бўйича, давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлиналар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаро

ролар учун кулай вақтда ўтказилади, қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Қонуннинг 18-моддасида айтилишича, ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиш шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирилиб кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар қўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бинобарин, мурожаатнинг муддати давлат органи уни ана шу тартиб асосида кўриб чиқиш, муаллифга унинг мурожаатини кўриб чиқиш натижаси ҳақида ёзма шаклдаги хабарини рўйхатдан ўтказиб юборган вақт саналади.

Табдиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳуқуқ-атвор қонда-си, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муаммаласи ода-ти деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларнинг тартибга солишда маҳаллий ода-ти ва анъаналар қўлланилади.

Тегишли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормалари-га ёки шартномага эид бўлган иш муаммаласи ода-ти, маҳаллий ода-ти ва анъаналар қўлланилмайди.

(Фуқаролик кодексининг 6-моддаси)

ҲУҚУҚИЙ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб беради

Иш билганга кенг имконият

Отабек БОБОДУСТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Набиҳон ОМОНОВ,
бўлим бошлиғининг ўринбосари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" биз прокуратура ходимларига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Қайси тадбиркорнинг фаолиятига кимдир ноқонуний аралашса, кредит олишдаги ёки иш юритишдаги қандайдир тўсиқларга учраса, вилоят прокуратурасининг ишонч телефонларига қўнғироқ қилишни сўраймиз.

Аҳоли бандлиги даражасини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш, даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонлиқни таъминлашдаги асосий бўлини шакллантириш муҳим йўналиш қилиб белгиланган. Бу борада шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари сонининг кўпайиши, молиявий иқтисодий аҳолининг яхшиланиши, макроиқтисодий мезонларнинг янада барқарорлашувига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, кенгаш йиғилишида вилоят Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Аминов, Қашқадарё туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Хусанов, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси юридик бўлими ходими А.Пирназаров, туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Кароматовалар сўзга чиқиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари ўз сўзида вилоятдаги тижорат банклари бўлимлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилнинг 11 ойида 136,9 млрд. сўмлик кредит ажратилгани, унинг 21 фоизи саноатга, 19 фоизи қишлоқ ҳўжалигига, 30 фоизи кичик бизнес субъектлари айланма маблағларини шакллантиришга, 22 фоизи қурилиш ва маиший хизмат кўрсат

тишга, 8 фоизи бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилганини қайд этди. Шунингдек, у ўз сўзида тижорат банклари томонидан ажратилган микрокредитлардан аёللар тадбиркорлигини ривожлантиришга 11,4 млрд. ёш оилаларга 13,0 млрд. шахсий ёрдамчи деҳқон ҳўжалиқларига ва чорва моллари сотиб олиш учун 4,5 млрд. паррандачиликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар 3,0 млрд. иссиқхона ташкил этиш учун ажратилган кредитлар 3,2 млрд. бадиқчиликни ривожлантиришга ажратилган кредитлар 0,3 млрд. асаларичиликни ривожлантиришга ажратилган кредитлар 0,2 млрд. хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ажратилган кредитлар 14,5 млрд. гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун ажратилган кредитлар 1,6 млрд. минитехнологиялар ва ихчам ускуналар олиш учун ажратилган кредитлар 1,3 млрд. сўми ташкил этганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, шунингдек, 2010 йилда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида 41,2 млрд. сўм миқдорда ва ноозик оқват товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 17,0 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилганини баён қилишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида вилоятда қўшимча равишда 28155 та (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13420 та кўп) янги иш ўринлари ташкил этилган.

2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча имкониятларни ишга солиниши айтиб ўтилди. Тадбир сўнгига иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга мутасадди раҳбарлар атрофича жавоб қайтардилар.

Доимий эътиборда

Нурали ИСРОИЛОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Мамлакатимиз учун қишлоқ ҳўжалиги устувор тармок бўлиб, уни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, иқтисодий тараққиётимиз ва халқимиз турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти билан боғлиқ. Муस्ताқиллик йилларида Республика қишлоқ ҳўжалигида тўб ўзгаришлар юз берди ва бу соҳа тармоғини бозор муносабатлари шароитида ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасига доир қонунчилик тизимининг шаклланиб, такомиллашиб бориши прокуратура органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклармоқда. Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, фармоннинг 2-бўлим 5-банди талабларидан келиб чиқиб, ердан мақсадли фойдаланиш, унинг унумдорлигини сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилиши, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг ҳуқуқлари ва қўний манфаатлари таъминлиши масалаларига доимий эътибор қаратилган.

Жорий йилнинг 10 ойида фермер ҳўжалиқларига 6 тонна минерал ўғит, 3 тона қишлоқ ҳўжалик техникаси, 5,8 млн. сўмлик эътиёт қисмлари, 1 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари олинди, 1 млн. 550 минг сўмлик дебитор қарздорликнинг ундирилишида, 67 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилишида, 167,7 млн. сўмлик бино ва иншоотлар қайтарилишида ҳамда 2500 метр зовурлар қазилишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Хусусан вилоят прокуратураси томонидан Қизилтепа туманида фаолият кўрсатаётган "Феруза" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Шириновга қишлоқ ҳўжалиги техникаси сотиб олиш учун банқдан кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркор — элга мададкор

ёқуд уларнинг бузилган ҳуқуқлари хусусида

Тан олиш керак, бугун давлатлиш томонидан тадбиркорлар учун барча қулайликлар яратиб берилган. Шунингдек, уларнинг фаолияти қонун билан муҳофаза қилинапти.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ҳам Президентимиз ва ҳукуматимиз талаб қилганидек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Мазкур йўналиш бўйича ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 25 та тақдимнома киритилди. Ноқонуний қарорларга 50 та протест келтирилди, 18 нафар шахс расман оғохланрилди. Прокурорнинг қарор ва тақдимномалари асосида мансабдор шахслардан 31 нафари интизомий, 4 нафари маъмурий ва 1 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Фуқаролик судларига 2 та даъво аризалари киритилиб, жавобгарлардан 3 млн. 851 минг сўм ундирилди. 12 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Беруний туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома эгаси-

га ўз вақтида берилиши кўрсатилган бўлса-да, тадбиркорлар Элдор Раҳимов, Тўхтабой Рейимбоев ва Дилфуза Уразимбетованинг гувоҳномалари берилмаган. Бу ҳолат туман прокуратураси аралашувидан кейингина барҳам топиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Тахиятош шаҳар "Ўзсаноат-қурилишбанк" ОАТБ Тахиятош филиалида пластик картчалар билан ишлаш бўлими мутахассиси вазифасида ишловчи З.Раҳмонов тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар талабларини бузган ҳолда, мазкур банк томонидан "Мағрур СКС" хусусий фирмасига берилган терминални жорий йилнинг 4 август куни сабабсиз равишда "қайта кўриб чиқиш керак" дея олиб кетиб, қайтариб бермаган. Текшириш натижасига кўра, терминал "Мағрур СКС" хусусий фирмасига қайтариб берилди. З.Раҳмонов интизомий жавобгарликка тортилди.

"Қорақалпоқэлектртармоклари" ОАЖнинг Кегейли туман филиали ходимлари Азат Нурпепесов, Пуҳарбой Айманов ва Нуркен Жуманиёзовларнинг қилмишларини ҳам тушуниш қийин. Туман ҳудудида хизмат кўрсатиб келаётган "Бийбатроқ Аскар" номли МЧЖда электр энергиясидан фойдаланиш қоида-си бўйича текшириш ўтказган бу азаматлар, мувофиқлаштириш кенгашидан рухсат олмай, жамиятнинг электр энергиясидан фойдаланиш бўйича шартномаси борлиги, электр энергиясидан фой-

даланганлик учун олдиндан 77 минг 568 сўм тўланган бўлишига қарамай "Металлолом топширишингиз керак", деган ваҳ билан қорхонани электр тармоғидан узиб қўйишган. Масала Кегейли туман прокуратураси аралашуви билан ойдинлашиб, МЧЖга электр энергияси улаб берилди. Кегейли туман ҳокими ва "Қорақалпоқэлектр-тармоклари" ОАЖ Кегейли туман филиали бошлиғи номига тақдимномалар киритилди.

Банк ходимлари томонидан тадбиркорларга хизмат кўрсатишда қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учраб турибдики, буни ҳеч нарсга билан оқлаб бўлмайди. Биргина Тўрткўл туманини олсак. Бу ерда тадбиркорларнинг кредит олиш юзасидан қилган мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш муддатларига риоя қилиш ҳамда уларнинг банк томонидан нақд пул ажратиш ҳақидаги сўровларини ҳал этишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймайлик тўғрисида "Агробанк" ОАТБ Тўрткўл тумани филиали бошқарувчиси Ф.Абдуллаев, Ўзбекистон Германия "Савдогарбанк"нинг Тўрткўл туман филиали бошқарувчиси Ш.А.Досчанов, "Халқ банки" ДТ Тўрткўл тумани филиали бошқарувчиси К.А.Раимов ва бошқалар расман оғохланрилдилар. Қўнғирот туманида ҳам аҳвол мактарли даражада эмас. Масалан, 2010 йил 19 июль куни "Қишлоққурилишбанк" ОАТБнинг Қўнғирот тумани филиали ўз миқдори ҳисобланмиш "Хованд Мадина" номли хусу-

К.НИЯЗИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори
Н.ОҚНАЗАРОВ, "Huquq"

сий қорхонанинг ҳисоб рақамидаги уй-жой қурилиши учун бюджетдан ажратилган мақсадли пуллардан 2 млн. сўмини якка тадбиркор Мамбетова Нағиманинг ҳисоб рақамига молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб юборишган. Бу ишни амалга оширишда на қорхона раҳбарининг рухсати олинган ва на унга маълум қилинган. Худди шу банк 2010 йил 31 май куни якка тадбиркор Мамбетова Нағиманинг ҳисоб рақамидан 2 та ҳолатда 3 млн. сўм пуллари "Баймен Тақир" фермер ҳўжалиги билан ўзаро молиявий ёрдам шартномаси бўлмаса ҳам, Н.Мамбетованинг рухсатсиз фермер ҳўжалигининг ҳисоб рақамига ўтказиб, ҳўжалиқнинг кредит қарзларини ундиришга сарфлаган. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари билан жиноий иш қўзғатилиб, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймайлик бўйича "Қишлоққурилишбанк" ОАТБ Қорақалпоғистон ҳудудий бошқармаси раиси Р.Смагуловнинг номига тақдимнома киритилди. Ҳўжалиқ юритувчи субъектлар "Хованд Мадина" қурилиш-монтаж қорхонаси бошлиғи ва якка тадбиркор Мамбетова Нағиманинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Юрбюроимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маро-

симда сўзлаган маърузасида "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодийетимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди", дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, 2000 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил якунига келиб, бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, мамлакатимизда ушбу соҳага қаратилаётган юксак эътибор самарасидир. 2011 йилнинг юртимизда Президентимиз ташаббуси билан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланмиши билан тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор янада юксалиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун жорий этилаётган имтиёз ҳамда қулайликлар кўламининг янада кенгайиши шубҳасиз. Бизнинг вазифамиз эса, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга тўсиқ бўлаётган ҳар қандай говларга қарши курашиш, бир сўз билан айтганда эса, соҳада қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Истиқболга туташдир йўллار

“Баркамол авлод йили”дан
“Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик
йили”га

Йил якуни... Қишнинг чилла уйқусига кетган асрларга тенгдош момочинор, тарих силсилаларига гувоҳ кекса тут дарахти мисол сокиналашиб, уйчан бўлиб қолади одамзот... УМР... ВАҚТ... ФАОЛИЯТ сарҳисоби... Қувонч ва шодликка тўла кунлар, ташвишли ҳаловатсиз тунлар... Мунаввар тонглар... Ҳаёт тақвимининг яна бир саҳифаси тўлиш арафасида...

Маҳалла-қўй, эл-юрт — одамлар ташвишига шериклик бахти... Кўнглингиз таскин топгандек бўлади, “Бекорга яшамасим”, дейсиз энтикиб...

Гўё кечагина эди... Конституциямизнинг байрам тадбирида Юртбошимиз 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб атаган эдилар. Бу йиллар номланганига эмас, балки амалга оширилётган ишларимиз, ислохотларнинг узлуқсиз, босқичма-босқич, мантқийи давоми эди.

Миллат келажаги, юрт ободлиги, мамлакат тараққиётига заррача бўлса-да, улуш қўшишим керак, деган ниятга мажбурият ҳиссини англаган, виждони уйғоқ киши олдида касби, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар устувор вазифалар қўйди. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури эса фаолият мезонига айланди. Режалар орзу бўлиб амалда бўй кўрсатди. Дилга фахр туйишимизнинг боиси — шу.

Аёнки, тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимиз рўёбини ҳал қилувчи муҳим омил мамлакат истиқболи, миллат тақдирини зиммасига олишга қодир, ҳаётга катта ишонч, дадил қалам билан кириб келаётган ёшларимр.

Адбуҳалим ЖАМОЛОВ, БДУ гуманитар фаилар факультети 1-босқич талабаси

— Ўзбекистон мадҳияси ёки ватан ҳақидаги бошқа қўшиқларни тингласам юрагимнинг тубида илиқ бир туйғу жунбушга келади. Юртбошимиз “Ёшлар менинг фарзандларим” дея нуфузли минбарлардан туриб айтган сўзларидан барча тенгдошларимиз мен каби фахрланиши аниқ. Зотан, бундай жаннатмакон юрт қайда бор? Яратилётган имкониятлар кўлами шу даражада кўпки, санаб адоғига етолмайсан киши. Миллий истиқлол гоёси фанидан семинар машғулотига ўртага ташланган “Айтил дўстим нима қилдик ватан учун?” деган саволга жавоб бераётган курсдошларимизнинг она Ватан, истиқлол ҳақидаги тиниқ фикрлари, теран мулоҳазаларини эшитиб туриб “Биз, албатта, ишончингизни оқлаймиз”, “Ватанга муносиб фарзанд бўламиз”, деган жавобларни уларнинг келажакка ишонч билан боққан нигоҳларидан ўқиш қийин эмас эди. Ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиши учун қилинаётган савий-ҳаракатларга жавоб бериш учун изланиш, билим олишдан чарчамаймиз. Шижоат билан истиқбол сари дадил одимлаймиз. Зеро, биз буюк Темур, мард ва жасур Жалолиддин Мангубердилар авлодимиз.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ янги мактаб бинолари, ёшлар маркази, спорт ва соғломлаштириш мажмуалари, мусика ва санъат мактабларининг қад ростлаши фикримизнинг ёрқин намунасидир. Бинобарин, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий норматив базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳамро АБДИЕВ, Когон туман прокурори

— Давр талаби, ҳаётини эҳтиёж тўғрисида 600 тадан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ўрганиб чиқилди. Уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил муассасалар раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 2010 йил 30 сентябрда “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишидан ҳам ягона мақсад ёшларнинг меҳнат билан бандлиги, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, касб-ҳунар эгаллаши, билим олиши — барча ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконини яратишдан иборат.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида Когон туманида амалга оширилган ишлар билан боғлиқ фактларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мақсуд дастур ижросини таъминлаш мақсадида туман бўйича 71 млн. 400 минг сўм маблаг миқдоридида иш бажарилиши режалаштирилган бўлиб, 1 декабрь ҳолатида 68 млн. 489 минг сўмлик ишлар бажарилган. Ота-оналар ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида 21 та умумтаълим мактабларида 48 млн. 950 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Тумандаги Б.Нақшбанд, Чолоқи, Кончилиқ каби ўнлаб маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшларнинг ҳуқуқий маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан боғлиқ амалий семинарлар, учрашув ҳамда очик мулоқотлар ўтказилди. Шунингдек, болалар спорти, ёшлар ижодиёт марказларининг моддий техник базаси бойитилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг маънавий камолоти йўлида қилинган савий-ҳаракатлар натижасида туман мактаблари кутубхоналари бадий китоблар билан бойитилди.

Дарҳақиқат, “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, “Соғлом она — соғлом бола” гоёси замирида ҳам жисмонан

бақувват, маънан комил, эл-юрт юкига елка тўтишга қодир авлод тақдирини, келажаги мужассам.

Гавҳар БАРОТОВА, Вобкент қишлоқ ҳўжалик коллежи иктисодий фанлар кафедраси мудири

— Истиклолнинг илк йилларидаёқ таълим тизимига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, педагог ҳодимлар меҳнатини рағбатлантириш билан боғлиқ қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятида ҳам, аввало, ёш авлоднинг мукаммал билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, тарбияси билан боғлиқ масалалар ечимини ўз ифодасини топган, дейиш жоиз.

2009-2010 ўқув йилида коллежимизни тугатган 229 нафар битирувчининг 47 нафари олий ўқув масканларига ўқишга кирган бўлса, 85 фоиз битирувчиларимиз кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қасаначилик, чорвачилик, асarlричилик йўналишида ишга жойлашди. Қарангки, 2011 йил “Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили” деб номланди. Демак, ёш тадбиркорларимизга ҳам ишлаш учун янада қулай шарт-шароит, имкониятларга йўл очилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги 12 миңдан ортиқ таълим муассасаларида илмий материаллари ва ресурсларини ўз ичига олган Таълим порталига уланиши, бугун Бухорода туриб, хорижнинг исталган давлатидаги дорилфунунларда масофадан туриб билим олиш, ўқиш имконига эга ёшларимиз том маънода биздан кўра бахтли ва сазодатманд фарзандлардир.

Рақобат муҳити жадаллашган, инновацион технологиялар, илм-фанни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижоди ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида давлат аҳамиятига молик дадил қадамлар қўйилди. “Зулфия” Давлат мукофотининг таъсис этилиши, талаба ёшлар фестивалининг кенг қамровли, ташкиллаштирилган тарзда байрамона ўтказилиши, хусусан, Кўҳна ва ҳамиша боқий Бухоро мажмуасининг ёшлар маркази сифатида эътироф этилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Поқ ниятлар билан Янги йил эшик қоқмоқда... Эзгуликка эш бўлган халқимиз неки орзу тилаги бўлса, фақат яшйликка илиниб яшайди. 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ҳам халқимиз турмуш фаровонлиги, мамлакат

ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Жўрабек РАҲМАТОВ, Пичоқчи ҳунарманд

— Президентимизнинг Конституция байрамида сўзлаган нутқини эшитиб, тўғриси, кўзимда ёш қалқиб кетди. Тадбиркор у савдогар, дўкдор, ҳунарманд — қайси ном билан аталмасин, азалдан ҳалол меҳнат кишиси. Янги йилда ҳар йилгидан ҳам шижоат билан ишламоқчиман. Изланиш, ижод қилиш, янгилик яратиш, асарларимда эл-юрт манфаатини кўзлайдиган гоёларни тарғиб этмоқчиман.

Бухоро заргарлик буюмлари, бухороча зурдўзлик санъати олдида ҳар қандай хорижлик сайёҳ ҳайрат нигоҳига айланганига ким гувоҳ бўлмаган дейсиз. Ёки қисқа фурсатда қуриб битказилган “Кўҳна ва ҳамиша боқий Бухоро” мажмуаси, миллий драма театри халқимизнинг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, истиқболга ишонч билан қарашдан далолатдир. Пичоқларимда “Буюк ипак йўли”, “Бухоро шарқ гавҳари” деб номланган тасвирлар қаторига мазий ва келажакини уйғунлаштирган “Боқий Бухоро” монументи чизиларини нақш этишга киришдим. Чет эллик сайёҳларни қизиқтирган санъат асарларим билан дунёга чиқиш ниятим бор. Айтишадикун, ният ҳолис бўлса, албатта, ижобат бўлади деб.

Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги иқтисодиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб, бозорларимизни рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар билан таъминлайди. Мамлакат иқтисодиёти ривожланиб, халқ турмуш фаровонлиги юксалишида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти муҳим омилдир. 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши қилинажак эзгу ишлардан даракдир.

Йил якуни... бир ёшга улғайган фарзандингиз, неварангизга олам шодлигини ҳис этиб тикиласиз... Ҳаётга, келажаққа умид қўзлари билан нигоҳ ташлайсиз... Рўзгор ташвиши, хушнуд кунлар, оёсийиша тунлар, нурли тонг кутмоқда ҳар бир юртдошимизни.

Ҳуш келдинг, нурли тонг,
Янги орзулар.
Янги ҳаёт, янги шижоат
Биллурдек жарангдор
Бугунги сўзлар
Саодат тилаймиз, тилаймиз омад.

Она ер дов-дарахт қияр оқ либос,
Бу ранг эзгуликнинг рамзидир, аён.
Оппоқ ранг покиза ниятларга хос
Қут-барақа сепар осмон бепоён.

Кетаётган йилдан кимдир армонли,
Кимларнингдир қалби қувончга туйғу.
Меҳнаткаш элимга бўлсин омонлик,
Янги йилнинг келсин қадами кутлуг.

Нур тўла ёришган ҳар бир тонг янги,
Бахш этар дилларга покиза туйғу.
Тафаккур янгидир, шуур, онг янги.
Қалбда Ватан, миллат ва эрқнинг чўғи.

Дуога очқидир кексалар қўли:
Ўзбегим, то абад иқболнинг қулсин.
Еруғ, боқий бўлсин истиқлол йўли,
Юртим Янги йилнинг муборак бўлсин!

Моҳира ШАКАРОВА

«Ўзгидромет»даги ноқулай «об-ҳаво»



Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, яъни «Ўзгидромет» Республикаимизда мазкур соҳадаги масалаларни ҳал этиш бўйича махсус ваколатга эга давлат бошқарув органи саналади. Бу соҳадан узоқроқ бўлганлар «Ўзгидромет»нинг фаолияти ва вазифалари кўламини қай даражада муҳимлигига, унинг узоқ йиллик тарихга эгалиги ҳақида тасаввурга эга бўлмаслиги мумкин, албатта.

Бундан роппа-роса 140 йил аввал Тошкентда чоп этиладиган «Туркестанские ведомости» газетасида об-ҳаво, метеокўзатув маълумотлари берилга бошланган. 1876 йилдан бошлаб эса Тошкентда метеостанция очилган ва у бугунги кунимизгача фаолият кўришиб келмоқда. Республикаимиз ҳудудиди унинг ўнлаш ортқ станциялари иш олиб боради.

«Ўзгидромет» мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва қўроқ кучларини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлашдан ташқари, атроф-муҳитнинг инфосланиш даражаси ҳақидаги ахборотлар, давлат сув қадастрини яратиб ва олиб бориш каби яна кўплаб муҳим вазифаларни амалга ошириб келади. Аммо ҳозир гап ушбу марказ фаолияти, унинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳусусида эмас, балки ушбу тизимда содир этилган коррупция ва иқтисодий жиноятчилик ҳақида бормоқда.

Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида жиноят ишлари бўйича Юнусовда туман судида биз юқорида таърифини келтирган марказ - «Ўзгидромет» ва унинг жойлардаги бошқарма ҳамма станцияларида бир неча йиллар давомида иқтисодий жиноятлар содир этиб келган жиноий гуруҳ фаолиятига нўқта қўйилиб, айбдорлар қонун олмида қилишларига яраша жавоб беришди.

«Ўзгидромет» марказининг моддий-техник таъминот ва автохўжалик (МТТ ва А) бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келган Икром Нигматов 2003 йилдаёқ «ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай жойда мўйай пул топиш мумкин» деган тўхтамга келган экан. Бундай дейишимизга асослар етарли.

Зиммасига марказ бўлимларида ёниги-мойлаш маҳсулотлари, турли эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларнинг олиниши, сарфлашни устидан ҳисоб ва назорат олиб бориш, автотранспортларни техник соз ҳолатда сақлашни таъминлаш каби масъулиятни вазифалар юклатилган бўлса-да, шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун қўйган И.Нигматов марказ мулкни талон-торож этишга киришиб кетди.

2003 йилнинг 7 октябрида «Ўзгидромет» маркази бош директори В.Чуб Вазирлар Маҳкамасининг беглиги қарори билан тугатилган, Тўйепада жойлашган марказга қарашли 11-сонли объектнинг ишга яроқли электр асбоб-ускуналари, дизель генератори ва бошқа товар моддий бойликларини марказнинг бориш қийин бўлган станциялар базаси мудири Ҳасан Умаровга қабул қилиб олиш, «МТТ ва А» бошқармаси бошлиғи Икром Нигматовга эса ана шу товар моддий бойликларни жойлардан тушган сўровларга мувофиқ бўлиб бериш ҳақида буйруқ чиқаради. Бу вазиятдан «унумли» фойдаланса, яхшигина даромад олиш мумкинлигини тушуналган И.Нигматов база мудири Ҳ.Умаров билан тил топишга қарор қилади. Унинг таклифи маъқул тушиб, Ҳ.Умаров тугатилган объектдаги 9 дон (шундан 5 донаси яроқли) ШХ-056 музлатгич, 7 км. алюмин сим, АСД-200 маркали дизель генератори, 2 дон КТП-100 трансформато-

ри, турли русумдаги насослар ва бошқа товар моддий бойликларини қабул қилиб олади, лекин кириш қилмасдан И.Нигматов билан келишган ҳолда номаълум харидорларга пуллаб юборади.

И.Нигматов ва Ҳ.Умаров талон-торож қилинган бу товар моддий бойликларини ҳисобдан чиқариб, камомadini яшириш йўлини ҳам ўйлаб топишди: ўзларидан қўйи тизимда ишловчи Н.Ҳабибулин ва Т.Бойбосовларга ушбу товар моддий бойликларнинг яроқсизлиги ҳақида далолатнома тузишни топишди. Қисқаси, сохта далолатнома асосида аллақачон ўзлаштириб юборилган товар моддий бойликлар ҳисобдан чиқарилади. Марказнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш комиссияси раиси, ўша пайтда «Ўзгидромет» маркази бош директори ўринбосари Ҳ.Имamdжанов, комиссия аъзоси Р.Якубджанов ва бошқалар ҳам «Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига зид равишда, ушбу далолатномани имзолаб қўя қолишган. Натижда «Ўзгидромет» марказига 11480,3 минг сўмлик зарар етказилган.

Мўйай даромаддан иштаҳаси очилган И.Нигматов энди марказ автохўжалиги балансидаги «УАЗ-3909» русумли автомашинани ўзлаштириш йўллариини қидира бошлади. Шу мақсадда автохўжалик бошлиғи Рустам Якубджанов, Навоий метеo станцияси бошлиғи Р.Мамадияров ва экспедитор Ҳ.Мамадияровлар билан жиноий тил бириктиради. Жиноий режага кўра, техник соз ҳолатда бўлган автомашина ҳеч бир асосиз, ишлаб чиқариш зарурати баҳонасида Р.Якубджановнинг жавобгарлигидан олиниб, Навоий метеoстанцияси бошлиғи Р.Мамадияровга бериб юборилади. Аммо орадан уч ой

вақт ўтмасдан, яъни 2004 йилнинг 11 июнида ишга яроқли, техник соз бўлган «УАЗ»ни «ишга яроқсизлиги» сабабли ҳисобдан чиқариш, темир-терсақларини қора металлга топириш, яроқли эҳтиёт қисмларини Р.Мамадияров ҳисобига кириш қилиш ҳақида «Ўзгидромет» маркази бош директорининг буйруғи чиқади.

Кўп ўтмай ана шу автомашина негaдир автохўжалик гаражиде эмас, И.Нигматовнинг уйи олдиде пайдо бўлади. И.Нигматов уни номаълум шахсларга сотиб юборади ва Р.Якубджановнинг кўмағида сохта далолатнома тузиб қўяди.

Шахсий манфаатини масъулиятдан устун билган И.Нигматов марказ мулкни талон-торож қилишнинг турли усуллариини ўйлаб топишдан қарчамайди. Нопок йўллар билан бойлик тўплаш мақсадида жиноий фаолиятига, ўзининг раҳбарлигидаги, бошқарма тизимидаги бориш қийин бўлган станциялар базаси мудири Ҳ.Умаров, моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи У.Ирматов, бошқарма автохўжалиги бошлиғи Р.Якубджанов, бориш қийин бўлган станциялар тизимидаги ёниги-мойлаш (ГСМ) омбори мудири М.Ахмедов, 2007 йил охирида унинг ўрнига келган Ҳ.Муродов, «Ўзгидромет» маркази бош директори ўринбосари Ҳ.Имamdжанов, бош бухгалтер Т.Лазурченко, кейинчалик унинг ўрнига келган О.Норкулов, Тўйебунз кўл станцияси бошлиғи О.Сатторов, Навоий метеoстанцияси бошлиғи Р.Мамадияров ва экспедитор Ҳ.Мамадияров, Жиззах вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи Ф.Сирожевларини жалб этади. Шу тариқа И.Нигматовнинг атрофида «Ўзгидромет» маркази мулкни мунтазам, узоқ йилларга мўлжалланган талон-торож этишни режа қилган жиноий гуруҳ бирилади.

Жумладан, уюшган гуруҳ ташкилотчилиги ва раҳнамоси И.Нигматов ҳамда гуруҳ аъзоси У.Ирматовга ёниги-мойлаш маҳсулотларини ўзлаштиришга шариоит яратиш мақсадида марказ ва унинг қўйи тармоқлари, бошқарма ва станцияларга асосли равишда 2006 йил учун 81,3 тонна бензин меъёри белгилан, шундан Навоий метеoстанцияси учун эҳтиёт бўлмасе-да, 2005 йилга нисбатан сўнмий равишда 10 тоннага ошириб, 38 тонна белгиланган. Марказ бош директори ўринбосари Ҳ.Имamdжанов эса уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб меъёр микдори кўрсаткичини тасдиқлаб берган. Шунга кўра, марказнинг бошқарма ва бўлимлари мазкур меъерда кўрсатилган микдордаги бензинни ўзлари жойлашган ҳудуддаги нефть унитар қорхоналаридан шартнома асосида пул қўйириш йўли билан жалвалга асосан сотиб олиши ва сарфлаши белгиланган.

2006 йилда жиноий гуруҳ томонидан марказ ёниги-мойлаш омборидан 24,2 тонна АИ-80 русумли автобензин ва 0,83 тонна дизель ёқилгиси талон-торож қилинган. Камомadini яшириш мақсадида ушбу микдордаги ёниги маҳсулотларини омбордан чиқим қилиш мумкин бўлмасе-да, Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси ва бошқа қўйи тармоқларга бериб юборилганлиги

ҳақида сохта юк хатлари тузиб қўйилган. Ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси бошлиғи А.Қирниязов ва бошқалар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, юк хатларида чиқим қилинган маҳсулотларини олманган бўлса-да, мансаб ваколатларидан фойдаланиб олганликлари ҳақида имзо чекишган ва содир этилган талон-торожни яширишга кўмаклашганлар. Бундан ташқари, уюшган гуруҳ аъзолари 2006 йил давомида яна 49,7 тонна бензинни талон-торож қилишган, камомadini яшириш мақсадида автохўжалик ва тизимдаги транспорт воситаларининг йўл варақаларига сохта маълумотлар кириштиб, босиб ўтилган йўл масофаларини сўнмий равишда ошириб кўрсатишган. Ҳаттоки, ишлатилмаётган, носоз ҳолатдаги автотранспорт воситаларига ҳам сохта йўл варақалари очиб, ўзлаштириб юборилган бензинни улар ҳисобига чиқим қилишган.

Талон-торож қилинган бензин ва дизель ёқилгиси уюшган гуруҳ аъзолари О.Сатторов, Ҳ.Умаров ва бошқалар орқали нақд пулга сотилиб, пуллар ўзаро бўлиб олинган. Уюшган гуруҳ аъзолари шу усулда 2006-2009 йиллар давомида жами 152 млн. сўмликдан зийдрок нефть маҳсулотларини талон-торож қилиб юборишган.

Юқорида И.Нигматовнинг 2004 йилда қай тариқа марказ автохўжалигига тегишли бўлган «УАЗ-3909» автомашинасини ўзлаштириш ҳақида айтиб ўтган эдик. 2008 йилнинг сентябрида у худди шу «сценарий» асосида автохўжалик балансида турган, 2006 йилдан Навоий метеoстанциясининг бошлиғи лавозимига тайинланган Ҳ.Мамадияровнинг моддий жавобгарлигидаги «УАЗ-31512» русумли автомашинани ноқонуний равишда пуллашга эришди. Бунда унга Ҳ.Мамадияров яқин кўмакдош бўлади ва улар сотиб юборилган автомобилнинг пулини ўзаро бўлиб олишди. Ҳисобдан чиқариш комиссияси аъзолари ҳам, марказ бош директори ҳам «Туя қўрдингми, йўқ» қабилида сохта далолатномани имзолаб қўя қолишди.

Уюшган гуруҳ марказнинг нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш билан қинаотланмай, ўзлаштиришнинг бошқача йўллариини ҳам ўйлаб топишган экан. Жумладан, 2006 йилнинг бошларида улар «Ўзгидромет» маркази босмаҳонаси бошлиғи Ф.Аскамовни жиноий шерикликка жалб қилишди.

Улар Ф.Аскамов таъсис этиб, норасмий раҳбарлиқни амалга ошириб келатган «Парандадойиха» МЧЖдан фойдаланган ҳолда, марказ мулкни талон-торож қилиш режасини ишлаб чиқаришди. Ф.Аскамов ҳам айнан шунини кутиб юрган эканини, марказ балансида бўлган «РОМАЙ-ОР-314» русумли босма босиш ускунасини «Парандадойиха» МЧЖга олиб чиқиб кетди. Ўзлаштирилган ускунадан 2009 йилнинг октябригача ўзига қарашли МЧЖга келган буюртмаларини босишда фойдаланиб келди.

Шу тариқа И.Нигматов ва Ҳ.Имamdжановлар ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда, босмаҳона учун смета харажатларини асосиз равишда қўйлатиб, бюджет пулларини

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биричи ўринбосари

совура бошлашади. Ўз навбатида Ф.Аскамов ҳам талон-торожни яшириш мақсадида босмаҳонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни калькуляция ва омборга кириш қилдирмай, буюртмачиларга бериб юбораверган.

Бундан ташқари, «Ўзгидромет» маркази бош директорининг буйруғи билан марказ, жумладан, босмаҳона фаолияти учун зарур бўлган хомаше, қоғозлар, ускуналар харид қилиш бўйича тендер комиссияси тузилган бўлса-да, ушбу комиссия раиси Ҳ.Имamdжанов, Г.Умаров (2008 йилдан бошлаб Ҳ.Имamdжанов ўрнига марказ бош директори ўринбосари лавозимига тайинланган), комиссия аъзолари И.Нигматов, У.Ирматов, Ф.Аскамов, Ҳ.Умаров, Р.Якубджанов ва бошқалар аслида ўтказилмаган тендерлар ҳақида сохта далолатномалар тузиб, имзолаб келишган. Харид қилиниши режалаштирилган товар моддий бойликларнинг ҳақиқий бозор баҳоси ўрганилмаган. «Гобли»лиги олдидан ўзларига аён бўлган қорхона ишлари тендерда ютиб чиққан қилиб кўрсатишган. И.Нигматовнинг топириги билан Ф.Аскамов, Ҳ.Умаров, Р.Якубджанов ва уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари турли қорхона ва ташкилотлардан товарнинг ҳақиқий нархидан бандан бўлган нархларда маълумотлар келтиришиб, шу маълумотларни тендер комиссияси баённомаларига кириштиб қўйиришган. Ортиқча кўрсатилган нархлар ҳисобидан маҳсулот етказиб берувчилардан олинган «10 фоиз»ни ўзаро бўлиб олишган.

Ф.Аскамов танлов комиссиясининг ҳулосасида кўрсатилган сифатли офсет қоғозлари ўрнига арзон нархлардаги, газета ишлаб чиқаришга мўлжалланган қоғозларни қабул қилиб, ҳар бири тонна қоғоз учун етказиб берувчилардан олинган 500 минг сўмнинг 200 минг сўмини И.Нигматовга узатиб келган.

Бундан ташқари, уюшган гуруҳ аъзолари Ф.Аскамов таъсисчилигидаги «Парандадойиха» МЧЖни ана шундай тендерда гоблиб чиққандай кўрсатишиб, аслида «Ўзгидромет» босмаҳонасида бажарилган ишлар учун «Парандадойиха» МЧЖнинг ҳисоб раҳамига пул ўтказиб келишган. Шу тариқа улар миллионлаб давлат бюджети маблағларини талон-торож қилиб юборишган.

Нафси ҳақалак отиб кетган И.Нигматов ҳатто электр энергиясини ўзлаштиришнинг ҳам йўлини топган экан. Урта Чирчиқ туманидаги «Телиофизик» қузуватлар станцияси ҳудудида қўрган иморат ва иссиқхоналарини марказ станцияси электр тармоқларига ноқонуний улаб олган.

Хуллас, «Ўзгидромет» атрофида ин қўрган жиноий гуруҳ бир неча йиллар давомида давлат мулкни турли йўллар билан ўзлаштириб келган. Аммо қўнғир ишнинг қийини чиқмай қолмайди. Дастлабки тергов давомида айбдорлардан давлат манфаатларига етказилган 282 млн. сўмлик зарар тўлиқ ундирилди.

Суд ҳукми билан жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бири қилмишига яраша жазосини олди.

Кутилмаган «результат»

Донишмандлардан бири: "Кимки муттаҳамларга илтифот кўрсатар экан, иккита хатога йўл қўяди: биринчидан, ёрдамча арзимайдиган одамга ёрдам беради, иккинчидан, ўзини ҳам хатарга солади", деган экан. Чунки, ўз аблахлигини оқлашга бирон-бир баҳона тополмайдиган муттаҳамнинг ўзи бу оламда бўлмади. Минг афсуски, Маргилон транспорт ички ишлар бўлими вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ғуруҳи катта инспектори вазифасида ишлаб келган, милиция майори Мухаммадмурод Муродов буни жуда кеч англади. Бинойидек ишлаб юрган инспектор шайтон вассасига тушиб, хизмат вазифасини, қонун посбони эканлигини унутди. Оқибатда жиноятга қўл урди.

М.Муродов Олтиариқ темир йўл бекатида хизмат вазифасини бажариб турган вақтида шу ерда яшайдиган Улуғбек исмли шахс "Бир танишидан анча мунча қарздорлигини, унинг пули қўпчилигини, машинаси ҳам борлигини, агар мен унга пулни бераман деб машинаси билан бекатга олиб келсам, машинасига нашага ўхшаш ўсимлик солиб қўйсам, сиз уни ушлаб, текшириб кўрсангиз пулини олардик", дейди.

Шу ўринда қонун посбони бу муттаҳамга муносиб жавоб бериши, лозим бўлса оғохлантириб, зарур чора кўриши керак эди. Бироқ, бундай бўлмади.

М.Муродов балои нафс деган иблис кўйига тушди. Кўнглида осонгина мўмай пул ишлаб қолиш истаги пайдо бўлди. Ҳатто, ҳаёлида бу пуллари маза қилиб санаб ҳам кўрди.

Улуғбек билан келишиб, 2010 йил 13 июль куни шум ниятларини амалга оширмоқчи бўлдилар. Шу куни тушга яқин "ширин" орзулар оғушида ўтирган М.Муродовнинг хонасига ҳамкасби сержант С.Сидиков келиб қолди. Майор ҳамкасбига "сигнал борлигини", "результат" қилиш мумкинлигини айтиб, уни ҳам ўзи билан олиб жиноий режасини амалга оширишга киришди.

Хуллас, шу куни фуқаро С. "ашёвий далиллар" билан ушланиб, М.Муродовнинг Олтиариқ темир йўл бекатидаги хонасига олиб келинди. Узоқ тортишув-баҳслардан сўнг, кутилмаган тўхматдан ақлини йўқотган С.га товламачи майор: "Сизга бир эркаклик қилай, 3000 АҚШ доллари берсангиз, шу ишни босди-босди қилиб юбораман" деган таклиф киритди. Мижоз бунча пули йўқлигини айтгач, ғаламиснинг ишини қилаётган майор 1600 АҚШ долларига рози бўлди. Шундан сўнг "мижоз"ни машинасига ўтказиб, унинг танишидан пулни олиб келишди. Шу ерда М.Муродов "мижоз"га 100 доллар пулни қайтариб бериб, 1500 долларни чўнтакка ургач, уни қўйиб юборди. 50 минг сўм бериб, Улуғбекка ҳам жавоб бериб юборди.

Мирсобит МУЗАФФАРОВ,
Фаргона транспорт прокурори

Бироқ, С.нинг аризасига кўра, тегишли органлар томонидан текшир-текширлар бошланади. Бундан тамагир, товламачи майорнинг пайтавасига курт тушиб, янада тубанлашди. У С.нинг турли танишларини ўртага солиб ундан узр сўрашга тушди. Аризасини қайтариб олишни илтимос қилди. Ҳатто, С.нинг оила аъзолари, ўртага тушган танишлари олдида тиз чўкиб, кеңирим сўрайди. Бироқ, гишт қолипдан кўчган эди. Шу боис бу тавабтазаррулар фойда бермади.

М.Муродовга нисбатан прокуратура томонидан жиноят иши қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун судга ҳавола этилди. Тергов жараёнида ҳам, судда ҳам М.Муродов айбига тўлиқ иқроор бўлиб, пушаймонлик изҳор қилди. Аммо, сўнгги пушаймон ўзининг душман дейди. Суд ҳукмига кўра, М.Муродов ҳақли равишда 5 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Шундай қилиб, Муродов режалаштирган "результат" тескари бўлиб қолди.

Умид қиламизки, муносиб жазосини олган М.Муродовга бу унутилмас сабоқ бўлади. Ҳар ҳолда у ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, чин дилдан пушаймонлик изҳор қилди. Тўғри йўлга қадам қўйишининг биринчи шарты эса донолар таъкидлагандек, айбига иқроор бўлишидир.

Инсон эркига тажовуз

Азамат МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Норбўта ҲОЗИЕВ, "Huquq"

Шарқда аёлларни қизғанганлари учун эмас, балки аяганлари учун кўча юмушларидан озод қилинган. Минг эгилиб, минг букилишни талаб қиладиган рўзгор ишлари аёллар учун етарли заҳмат эканлигини, улар бажарган ишларни эркаклар асло уқдлай олмаслигини тан олиб, баҳосини берган аждодларимиз аёлларга ғоят марҳаматли бўлганлар. Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида аёлларнинг ҳуқуқлари эркакларники билан тенг дейилди-ю, амалда уларнинг зиммасига энг оғир юмушлар юклаб қўйилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб, БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги СЕДАВ Конвенциясига қўшилди. Республикаимиз ҳукумати 2001 йил январь ойида БМТнинг СЕДАВ бўйича қўмитасига мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан ҳисобот тақдим этди. Ушбу қўмита тавсияларни асосида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ Конвенциясининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди.

Бироқ шунга қарамай, айрим аёллар қўшимча даромад топиш ва иқтисодий етишмовчиликларни бартараф этиш, моддий бойлик орттириш илнжидида одам савдоси билан шугулланувчиларнинг тузоғига илннб қолмоқдалар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тадбиркорлик ва ҳуусий бизнес кенг йўл очилди. Хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди. Фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди. Афсуски, айрим шахслар бундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли адов ва фибрирарлик билан хорижга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар.

Ўтмишта айланган XX аср жаҳон тараққиётининг чўққиси сифатида қанчалик узулланмасин, ушбу даврда ичкиликбозлик, қашандалик, гиёҳвандликкек жирканч иллатлар қаторида аёллар савдоси, фоҳишабозлик каби глобал муаммолар ҳам келиб чиққани ҳеч кимга сир эмас. Статистик маълумотларга назар солсак, мазкур муаммони ўтган асрнинг 70-йилларида жанубий-шарқий осиелик аёллар Европада ҳамда АҚШга оммавий кўчиш билан бошлаб берган бўлсалар, кейинчалик уларнинг сафи бошқа мамлакатлар фуқаролари саналган қиз-жувонлар билан кенгайди. Бу муаммо бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу тариқа XXI аср арафасида дунёнинг деярли барча давлатларида норасмий фоҳиша бозорлари юзага келди. Бу бозорларда барча нарсаси сотилди ва сотиб олинди - аёл танасини, унда фақат бир нарсаси эъзозланади - аёл танасини сотишдан келадиган даромад. Пул топиш иштиғидида айрим ҳамюртларимиз ҳам ҳар қандай пасткашликлардан қайтмайлтирлар. Одам савдоси сингари жирканч "касб" билан шугулланиб, миллат шаънини ерга урмоқдалар. Баъзи қиз-жувонлар эса адовларга учиб, уларнинг тузоғига осонгина илнн-наптитлар. Улардан бири Дилдора Хусанова (Баъзи мулоҳазаларга бориб ҳикоямиз "Қаҳрамонлар"нинг исм-фамилиларини ўзгартириб қарор қилдик) дир. У 1990 йилда туғилган. Ҳали вояга етмаган бўлишига қарамай, Алишер Давлатовнинг адовларига учиб, унинг қўлида қўйроққ бўлиб, фоҳишаларни касб қилди. 1973 йилда Косово туманида туғилган А.Давлатов 2008 йилнинг бошларида Қарши шаҳри, 2-милити тумани, 35-ўй, 4-хонадонда фоҳишахона очди ва ёш қизлардан фойдаланиб, жирканч йўллар билан топишган маблағ эвазига олмаси ва фарзандларини боқшини режалаштирди. Аслида А.Давлатов эси борида этагини йиғиштириб олиши керак эди. Чунки у 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Жаннинг 125 ва 173-моддалари 2-қисмлари билан айбдор деб топилиб, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукмига кўра 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва Президентимизнинг 1999 йил 30 апрелдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармонида асосан жазодан озод қилинган.

А.Давлатовга фоҳишахонадаги "касби"дан келатган даромад камдек туюлди шекили. Қирғизистон Республикасида яшовчи "Тушан" исмли аёл ва бошқа номаълум шахслар билан одамларни алдаб сотиш учун ўзаро жиноий тўл бириктирди. Жиноий режага кўра, ўзига олдиндан таниш бўлган Дилдорига "Сен қанчагача пулсиз юрасан, хоҳласан Туркиядан иш топиб бераман, у ерда энгалик қилиб ояига 500-600 доллардан маош олсан", деб аллайди. Унинг тўлиқ ишончига киргач, 2008 йилнинг апрель ойида Қарши шаҳридаги "Самарқанд" шохбекатидан машинага ўтқазиб, Тошкент шаҳрига жўнатди ва унга номаълум шерикларнинг телефон рақамларини ҳамда 100 АҚШ доллари ва 50 минг сўм пул берди. А.Давлатовнинг жиноий шериклари Дилдорани Тошкент вилоятида қўтиб олиб, Гишткўприк чегара постининг айланма йўли орқали қўнунга хилоф равишда аввал Қозғоистон, сўнгра Қирғизистон Республикасига олиб ўтиб, "Тушан" исмли аёлга топишлариди. У аёл Дилдоранинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, зўрлик ишлатиш билан қўрқитди. "Сени бу ерга олиб келгунча қўп харажатлар қилинган, шу пулни фоҳишалик йўли билан топиб берасан", деб мажбурлаб, унинг танасини турли қимсаларга сотиб билан шугулланади. Кейин эса, Дилдорани Бирлашган Араб Амирлигига жўнатиш мақсадида унинг фуқаролик паспортиди 1990 йил 17 март санасини 1983 йил 17 март санасига ўзгартириб, ҳужжатини қўлбакилаштирди. Дубай шаҳридаги аэропорт ходимлари Дилдоранинг фуқаролик паспорти қалбаки эканлигини билиб қўлишган, уни Қирғизистон Республикасига депортация қилиб юборишди. Катта қўйинчиликлар билан Қарши шаҳрига келган Дилдора А.Давлатовнинг қўлмишлари ҳақида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ариза билан мурожаат қилди.

Ҳарч А.Давлатов судда айбини тан олмаси-да, тергов, суриштирув ва қўллаштириш жараёнида унинг қўлмиш тўлиқ тасдиғини топи ва Қарши шаҳар судининг ҳукми билан жазога тортилди.

Бизнинг мақсодимиз эса битта - у ҳам бўлса, баъзи юртдошларимиз қимиларингидир найрангига учиб, одам савдоси сингари транс-миллий жиноятнинг қурбони бўлмасинлар. Зеро, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳар нарсадан улуғ ва ҳурмат-эъзозга дойик.

Адашган тақдирлар

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қўнунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг ижтимоий хавфи жуда катта ҳисобланади. Бу вабо каби оқибати оғир, тарқалиши тез, аммо чекинishi, барҳам топиши мураккаб бўлган иллатдир.

Бу қўлмиш жамият аъзоларининг соғлиғи ва ҳаёсийлигига жиддий таҳдид солади, муайян ҳудуддаги криминаген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий-маданий негизларига салбий таъсир кўрсатади. Кўп ҳолларда уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади.

Гиёҳвандлик воситаларининг катта миқдорда етиштирилаётгани ва ер юзи бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани авлодлари учун қайғурадиган ҳар бир миллатни ташвишга солаётгани шубҳасиз. Аср вабосига қарши курашиш ҳамжиҳатлиги ва доимий фаолиятини талаб этади. Бу борада гиёҳванд воситалар тарқатилиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ташувчи ва сотувчи шахсларни аниқлаш, уларни фош қилиш юзасидан тезкор-тергов ишларини қўчатириш ҳамда айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида каттият кўрсатиш, шунингдек, гиёҳвандликнинг оғир оқибатларидан кенг жамоатчиликни оғох қилиш орқали аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

Тахлилларнинг қўрсатишича, жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида Қоразм вилояти ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қўнунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ 499 та жиноят фош этилган. Бу турдаги жиноятларнинг катта қисми шундай моддаларни ўтқазиб мақсадини қўлаб қўнунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш ва сақлаш билан боғлиқ.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан гиёҳвандлик жиноятларининг олдини олиш, унга қарши курашиш, профилактика тадбирлари самарадорлигини ошириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

О.Матмуратов мўқаддам судланган. Айнан гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноят

содир қилгани учун қўра курсига ўтирган. Аммо ўз қўлмишдан пушаймон бўлиб, тўғри ҳулоса чиқариб тузалishi йўлга ўтиш ўрнига яна шу йўлни танлади. Кўр тенгини кечаси топади деганларидек, у ҳам ўз тенгини топди. Илгари ҳам гиёҳвандлик воситалари билан қўнунуни муомаласи учун жавобгарликка тортилган Б.Панаевни шерикликка қорлади. Улар бир неча бор "кичик савдо"ларни амалга оширишди. Аммо уларнинг нафси катта даромад илнжидида эди. Шериклар катта миқдорда гиёҳвандлик моддасини ўтқазиб режасини тузишди. О.Матмуратовнинг таклифи билан Б.Панаев Тошкентга бориб келиш учун машина ҳозирлади. Пойтахтга қатнаб қирақашлик қилиб юрган С.Жуманиёзов бензин пулидан ташқари яна 300 минг сўм эвазига рози бўлди. Учовлон 2010 йилнинг 11 июль куни Тошкент шаҳрига боришди. Келишган манзилдан 965,57 грамм кўп миқдордаги "героин" гиёҳвандлик воситасини олиб қайтишди. Оқ оғуни вилоятимиз ҳудудида олиб киришаётганда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан тўхатилди. Тергов даврида улар томонидан судир этилган барча жиноятлар фош бўлди. Ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, наватдаги жиноий фаолиятини охирига еткази олмаган О.Матмуратов, Б.Панаев ва С.Жуманиёзовлар суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Халқимизда кўр ҳассасини бир маротаба йўқотди, деган нақл бор. Бирон юртдошимизнинг жиноят қўчасига кириши фақат шу оиланинг фожеаси эмас, балки махалла-қўйнинг, охиракитбат жамиятнинг қайғуси бўлиши керак. Ахир, айни шу оиланинг ёмон ибрати оқибатида сизу бизнинг фарзандимиз ҳам ноқобил йўлга кириб кетиши мумкин. Зеро, биз шу жамиятда яшар эканмиз, атрофимиздагиларнинг ҳаракатлари, тақдирини бизнинг келажағимиз билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

Санъат КАЛАНДАРОВ,
Қоразм вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой "Анна Каренина" романини қўйидаги сатрлар билан бошлайди: Дунёдаги барча оилалар бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг ҳар бири ўзича бахтсиздир.

Дарвоқе, шундай. Дунё кенг, унда турли одамлар, турфа хилдаги оилалар мавжуд.

Оила - муқаддас маскан. Унда истикомат қилувчи ҳар бир инсоннинг ўзига яраша ҳуқуқи, яшаш тарзи азалдан бобокалонларимиз томонидан белгилаб берилган. Оила ҳаётининг ўнқир-чўнқир сўқмоқларида кўриб бораётган аравага ўхшайди. Ота-она ана шу арава билан судраб кетаётган йўл бошичи, фарзандлар эса араванинг кичик аъзолари. Худо кўрсатмасин, ана шу муқаддас арава билан судраб бораётган ота-она ёхуд фарзандлар ўртасида низо бошланса, арава белгиланган манзилга эмас, жарлик томон йўл олиши шубҳасиз. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, биринчи навбатда отанинг зиммасига катта масъулият юклайди. Унинг таъсири ва обрўси бўлмаган оила инқирозга маҳкумдир.

Биз қўйда ҳикоя қилмоқчи бўлган суд жараёнидаги

Падаркуш

воқеа юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидир.

Чироқчи туманининг Қанотли қишлоғида юз берган воқеа шу қишлоқда яшовчи барча инсонларнинг вужудини жунбушга келтирди. Аввало, Шўхрат ва унинг оиласига қишлоқдошларнинг унчалик ҳам ҳаваси келмас эди. Бу оилада вақти-вақти билан бўлиб турадиган турли хил можаролар деярли ҳамманинг асабига тегиб, оиланинг тизгини қўлдан чиққан, ота ўз ҳуқуқини, фарзандлар эса бурчларини унутган эди.

"Тарки одат-амри маҳол" деганларидек, ўша куни ҳам Шўхрат уйига кечроқ қайтди.

- Шу вақтгача қаерларда санғиб юрибсан, гаранг? - ўшқирди ота.

- Ўзингиз икки ҳафтадан

бўён қаерда эдингиз? - саволга савол билан жавоб қайтарди ўғил.

- Шаҳардаги хотинимнинг олдига эдим. Нима менга ҳўжайинмасан? - деди ота ҳам бўш келмай.

Ота-бола ўртасидаги даҳанаки жанг шу йўсин бошлан-

Абдурауф ТЕМИРОВ,

Чироқчи туман прокурорининг ўринбосари

бўлди-ю, дилидагини тилига чиқариб юборди:

- Ҳой, менга қара, бундан бўён мени ота деб чакирма. Мен сенинг отанг эмасман, сен бошқа одамнинг фарзандисан, бунга менинг шубҳам йўқ.

Бу гаплардан Шўхратнинг зардаси қайнаб, отаси томон отилди. Унинг ғазабга минганни кўрган ота шошганча ерда ётган темир бўлагини кўтариб, ошхонага кирди, у ердан пичоқ олди. Отасининг ваҳоҳатидан қўрққан Шўхрат шу заҳоти сим тўсиқдан ошиб, қабрис-тон томон қочди. Ота шўрлик айни пайтда ўзининг поймонаси тўлганини билганида-ми?..

У ўғлини қувиб етиб, қўлидаги пичоқни санчмоқчи бўлди. Аммо... аммо ёшлик кексалик, қабоҳат диёнат устидан ғалаба қозонди ва Шўх-

рат отасининг қўлидан пичоқни тортиб олиб, аввал унинг оёқларига, кейин кўкрагига санчди...

Хунук хабарнинг қаноти бор, дейишди. Машум воқеа ҳақидаги хабар зум ўтмай бутун қишлоққа тарқалди. Ҳамма қабрис-тон томон югурди. Бироқ энди кеч эди. Воқеа бўлиб ўтган жойга биринчилардан бўлиб етиб келган Нарғиза акасининг ёқасидан олди:

- Нима қилиб қўйдинг? Отамни ўлдирибсан-ку!..

Кўзлари қонга тўлган Шўхрат темир бўлагини олиб, сингисининг бошига урди. Жиноят ортидан жиноят содир этилди. Бу орада ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари етиб келишди.

Кора курси. Бу курсига кимлар ўтирмаган дейсиз. Ўғри-ю қаззоб, фирибгару қаллоб, хоин, ватанфуруш, порахўр... Бу рўйхатни ҳали ана давом эттириш мумкин. Лекин ўзини дунёга келтирган падари бузрукворини (майли, у қанчалик ёмон бўлмасин) ўлдириб, бу курсида ўтириш азобини яратган Эгам ҳеч кимга раво кўрмасин.

Биз кечиримли халқмиз. Билиб-билмай қилган гуноҳни, кечириш мумкин. Лекин Худо кечирамикан?! На-

фақат отанинг ёқасидан ушлаш, ё пичоқ ўқталаш, балки унга тик боқиш ҳам халқимизда гуноҳи азим саналган.

Отага тик боқма, иймонинг сақла, Фарзандсан, сен доим бурчингни оқла. Отага тик боқсанг, кун ўтиб бир кун, Фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин.

Энди Шўхратнинг кўзлари тўла ёш. Укаларининг кўзлари олазарак. Қишлоқда яшовчиларнинг бошлари эгик. Яқин орада уларга тўй ҳам татимаса керак. Ўз фарзандига яхши тарбия бера олмаган марҳум Туроб Холиқов ва ноқобил фарзанд ўртасидаги машум воқеа ҳамманинг дилини вайрон қилди.

Суд ҳукми ўқилди. Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг ҳукми билан Шўхрат Холиқовга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Фурсат етиб жазо муддати ҳам тугар, ўз уйига қайтиб келган Шўхрат укалари, маҳалла-қўй, қишлоқдошлари кўзига қандай қарар экан?

Отаси Хусравни ўлдирган Шеруани, Мирзо Улғубекдек донишманд отасининг ўлдирилишига фатво берган Абдулатифни халқ ҳанузгача нафрат билан эсга олади. Илоё, бундай нафратни ҳеч кимга насиб этмаган бўлсин!

Ёлғизлик қурбони...

Кизининг уйқудан туриши билан юзини ювар-ювмас кўчага отилганини кўрган она, шоша-пиша уни тўхтади:

— Ҳой қиз, қаёққа?
— Ойи-и, бугун битирув кечамиз-ку, эсингиздан чиқдимми? Зилола олам эрталаб қисқанг, сочининг тўғрилаб қўяман деганди. Шунга қичману келаман...

— Ҳеч бўлмаса, чойингни ичиб кет... Аммо онасининг гапи унинг қўлига кирмади. Қўшинсининг уйи томон қочқилганча борар экан, ҳаяжондан юзлари ял-ял ёнар эди. "Ҳали Зилола онасини сочларини ўзи ваъда қилгандек бир чиройли қилиб қўйсин, фақат синфидаги эмас, бошқа қизларнинг ҳам ҳаваси келиб, ичлари қўйиб кетади..."

У шундай ҳаёллар билан Зилоланинг дарвозасига етиб келди. Энди ичкарига кирмоқчи бўлиб, қадам қўйганда, оstonадаги қонга ўхшаш қизил доғга қўзи тушиб тўхтади. Шу ондаёқ ҳаяжон ўрнини қўрқув эгаллаб, дарвозанинг тирқишдан ичкарига мўралади. Қўзи нарироқда ётган одам оёғига тушгач, эси чиқиб кетаёзди. Шартта орқасига бурилиб, мактаб томон қочиб кетди. У ерда фаррош аёлга дуч келгач, Зилоланинг уйида кўрганларини айта берди. Ўн-ўн бир ашар кизалоқнинг қўрқувдан тутилла-тутилла айтиб берган гапларидан ноҳус ҳодиса юз берганини сезган фаррош унга сув ичириб, тезда Шо-мансур отани хабардор қилиш кераклигини тайинлади. Қизча кўрқа-писа ана йўлга тушди. Манзилга яқинлашганда отанинг набариси онаси билан қичиб қолди. У ҳам сочини кестириш учун Зилоланинг уйига кетаётган экан. Қизча уларни ҳам бор гапдан огоҳ қилди, қизининг онаси қизларни уйига киритиб, ўзи қўшни аёл билан Зилоланинг уйига қичиб кетди...

Тонг отиши билан уй юмушларини бажаришга киришиб кетган Холита, дабдбурстан эшикдан кириб келган укасини аввалига пайқамасди ҳам. Саломини эшитгангина, ишидан тўхтаб, унга қаради-ю, эси чиқиб кетаёзди. Фозил (исм-фамилиялар ўзгартирилган) одатдагидан бошқачароқ кўринар, устига-устак боши ҳам қонанган эди.

— Вой, шўрим, нима бўлди? Нега бошинг қон?

— Ҳавотир олманг, опа. Кўчада болалар билан уришиб қолдим.

— Урушинг ҳам бор бўлсин. Тинчгина юрсанг бўлмайдингми-а? Ўтакамни ердинг-ку! Бу ёққа кел-чи, қўриб қўй, — у шундай дея укасининг бошини кўрмоқчи эди, Фозил қайсарлик билан кўрсатмай туриб олди.

— Қўйсангиз-чи, кўрқадиган жойи йўқ, Озгина тирналган, холос...

Жигарининг аҳволидан ташвишга тушган Холита жаврай-жаврай, уни ўтказиб, олдиға нон-чўй қўйди, да, яна ишга унаиб кетди. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтган, эшикдан кириб келган милиция ходимларини кўргач, ҳайрон бўлди-ю, улар Фозилни олдиларига солиб олиб чиқишайтганда эса, батамом довдираб қолди...

Ўзи ўша кун эрталабдан Фозилнинг кайфияти бўзилган эди. Яқинба бўлгани учун бир амаллаб кўни кеч қилгач, томоғи тақиллаб, "киттай-киттай"

Баҳриддин БОБОКЕЛДИЕВ,

Бекобод туман прокуратураси терговчиси

Ўрганган кўнгил...

Умар ФАЙЗИЕВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори
Гули ҲОЖИБОЕВА, «Huquq»

Сўнгги пайтларда ўғли Отабекни нотаниш кимсалар тез-тез сўраб келишларидан Муқаддас опанинг юраги безиллаб қолган эди. "Меҳмон"ларнинг аксарияти қўпол, баъзилари эса ўғлининг розилиғи билан тунаб қолишса-да, ўша кеча, албатта, жанжал бўларди.

Шундай кунларнинг бирида, тўсатдан Отабекнинг тоби қочди. Она дарҳол "Тез ёрдам" қаҳирди. Шифокор диванда икки букилганча, қақшаб ётган Отабекнинг титраётган қўлларини ушлаб, томир уришини текширмоқчи бўлди.

— Йўқ-ол, қўзимга кўринма! Менга керак дори сенда топилмайди...

Беморнинг ўзини тутишдан эсанкираб қолган шифокор, аввалгига нима қилишни билмай қолди. Сўнгра, ўрнидан туриб, Муқаддас опани четроққа имлади.

— Опа, бу йигит ўлгингизми?

— Ҳа...

Муқаддас опанинг ранги оқариб кетганини сезган шифокор, уни тинчлантиришга ҳаракат қила бошлади: — Сиз ҳавотирланманг, ўзингизни қўлга олинг. Ўғлингиз жиддий даволаниши керак.

— Жон ука, боламга ёрдам беринг. Ўзи нима касал бўпти?

— Ўғлингиз гиёҳвандлик дардига чалинибди. Диспансерга рўйхатга қўйиб, даволатмаса бўлмайди.

— Нима? Нима дедингиз? Ишқилиб, тузалиб кетадими?!

— Буниси энди унинг иродасига боғлиқ.

"Тез ёрдам"дагилар кетишгач, онанинг боши қотиб, тонг отгунча мижжа қокмади. Елди-югурди, фарзандини адашган йўлдан қайтарishi мақсадида, уйидаги нарсаларини сотиб бўлса-да, уни даволашга сарф қилди. Аммо афсуски, Отабек онасининг ишончини оқламади.

Қариндош-уруғ, маҳалла-қўйнинг панд-насихати-ю шифокорларнинг муложази, шўрлик онанинг елиб-югурганлари зое кетди. Ўрганган кўнгил "Ўртаниш"ни қўймади. Онанинг тоқати тоқ бўлгач, туман ИИБга мурожаат қилиб, ўғлининг бую йўлдан қайтариларини сўради.

Милиция ходимлари уйни назорат остига олишди. Уч кун ўтиб, зар қозоғга ўралган тўрт дона героин моддасини сотаётган Отабек қўлга олинди.

28 ёшга кирган бўлса-да, хануз бўйдоқ, ишсиз ва муқаддас судланшига ҳам улгурган Отабек Собиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аввал йўл қўйган хатоларидан тегишли хулоса чиқармай, яна жиноятга қўл урди.

Ибтидоининг интиҳоси бўлгани каби ҳар қандай жиноятга жазо муқаррардир. О.Собиров ҳам қилмишга яраша жазога тортилди, аммо у бундан бу сафар тегишли хулоса чиқарармикан?



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка мададормиз

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида ўта муҳим ва салмоқли ўринга эга. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлики ривожлантиришга мададкор бўлиш мамлакатимизнинг янада тараққий эттиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бу борада "Асака" Давлат - акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес субъектлари ва тadbиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ белгиланган режа асосида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Банк янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга кредитлар ажратиш ва лизинг хизматлари кўрсатиш орқали иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жумладан, банкнинг Қўқон фили-

али миҳози "Рўздатжон ота" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рафиқжон Мелибаев бу борада қуйидагиларни мамнуният билан баён этди:

— Биз бир неча йилдан бери "Асака" банк Қўқон филиали миҳозимиз. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида банкнинг кредитларидан бир неча бор фойдаланганмиз. Ҳозирда банк кредитларидан фойдаланиб, корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга муваффақ бўлдик.

2010 йилнинг ўтган даври мобайнида корхонамиз томонидан 1,5 млрд. сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва истеъмолчиларга етказилди. Бу йил ўтган йилларга нисбатан маҳсулот ҳажми икки баробарга ошди.

Трикотаж хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхонамизда айти пайтда уч сменали иш тартиби йўлга қўйилган. Эътиборли томони шундаки, корхонамиз маҳсулотларига бугунги кунда қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқ-

да. Айти пайтда МДХ давлатлари билан маҳсулот экспортига мўлжалланган 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi шартномани имзолади.

Бугунги кунда банк кредитлари ҳисобига ишлаб чиқаришимиз кенгайиб, ишчи-ҳодимларимиз 64 нафарга етди.

Бу банк миҳозининг фикрлари эди. Рафиқжон ака сингари банкдан кредит олиб, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолиятини кенгайтириш орқали ҳам эл-юртга, ҳам оиласига нафи тегаётган инсонлар бир қанча. Шулардан бири, Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси "Alfa Plastik" масъулияти чекланган жамият раҳбари А.Арифжановдир.

— Корхонамиз алюмин ва пластикдан турли профил маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган - дейди у. — "Асака" банкнинг Сирғали филиали томонидан биз тақдим этган лойиҳага асосан кредит ажратилди. Кредит ҳисобига жорий йилда корхонамиз томонидан 6,5 млрд.сўм миқдорида маҳсулотлар

ишлаб чиқарилди.

Банк кредитлари ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтди. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринлари пайдо бўлишига замин яратди. Бугунга келиб корхонамизда 66 нафар ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда. Банк олдидаги кредит бўйича мажбуриятларимизни ҳам ўз вақтида ижро қилиб келмоқдамиз.

"Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси кириб келаётган 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик" йилида ҳам иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялашга, миҳозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишларни давом эттириш ниятидалар.

Баргида МҮМИНЖОНОВА,
журналист

«DILING SAVDO» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига
таклиф этади!**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 4-уйда жойлашган Ўзбекистон почтаси ОАЖнинг "Халқаро почтамп", филиали балансидаги:

1. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 509 бўлган Отойўл 35.9 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 3 445 500 сўм. Закалат 600 000 сўм.

2. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 512 бўлган Отойўл 35.9 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 3 445 500 сўм. Закалат 600 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда жойлашган Ўзбекистон почтаси ОАЖнинг "Тошкент почтамп" филиали балансидаги:

3. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 511 бўлган Отойўл 35.9 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 3 445 500 сўм. Закалат 600 000 сўм.

4. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BE 459 бўлган ДЭУ Супперсалон русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 4 474 000 сўм. Закалат 800 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йил 1 феврал куни соат 15:00да бошланади. Сотилмаган объектлар 2011 йилнинг ҳар сешанба кунлари ўтказиладиган савдоларга сотилгунга қадар қўйилади.

Шунингдек, "Халқаро почтамп" филиалининг 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 510 бўлган Отойўл 35.9 русумли автотранспорт воситаси 2011 йилнинг ҳар сешанба кунлари соат 15:00да ўтказиладиган савдоларига сотилгунга қадар қайта қўйилади. Бошланғич нархи — 5 752 000 сўм. Закалат 1 000 000 сўм

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситалари бошланғич нархининг юқорида кўрсатилган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Diling savdo" нинг АИКБ "Ипак йўли" даги МФО 00444, СТИР 301623196, 20208000904852353001 сонли ҳисоб рақамига закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан тўлайдилар.

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунга қадар тўланган закалат миқдори, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19-уй.
Телефон/факс: 244-88-04. Электрон почта: aukcion@bk.ru
Гувоҳнома: № 001568 - 09



«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

**Сиз, азиз юртдошларни ва
миҳозларини Янги йил
байрами билан чин юракдан
табриклайди.
Ватанамиз равнақи йўлида
олиб бораётган эзгу
ишларингизда
улкан зафарлар тилайди!
Барчангизга сўхат —
саломатлик, оилавий
тотувлик тилаймиз!**



Тузатиш: Газетамизнинг 2010 йил 2 декабрдаги 48(725)-сонида "Respublika Mulk-Aukcion" ДК Бухоро вилоят филиали эълонидаги очиқ танлов савдосига қўйилган Вобкент тумани "Янги ҳаёт ариги" СФУга қарашли Қоровулбозор тумани, "Ногоратепла" аҳоли пунктида жойлашган қурилиш тугалланмаган бинонинг бошланғич баҳоси 26 086 500 сўм деб ўқилсин.

Камтарин инсон



Халқимизнинг камтарга камол деган гапи бор. Ўзининг камтарлиги ва самимийлиги билан камол топган инсонларнинг кўпчилиги эса бизни қувонтиради. 46 йилдан ортиқ умрини мамлакатимизда эл-юрт тинчлиги ва оқошталлигини таъминлашда масъулиятли ҳамда шарафли вазифага бағишлаган Қобилжон Розиков ҳам ана шундай инсонлар сирасига кирилади.

Қобилжон ака иш фаолияти давомида туман ва шаҳар прокуратураларининг терговчиси, прокурор ёрдамчиси, Чиноз туман ва Бекобод шаҳар прокурорлари, Тошкент вилоят прокурори ўринбосари, Республика Бош прокурори ўринбосари ва биринчи ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. У киши қаерда ва қайси лавозимда ишлаган, ҳамisha билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, камтарин ҳамда самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

Қобилжон Розиков меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, самимийлиги, шогирдларига бўлган ғамқўрлиги билан ҳамкасблар ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлди. Бугун маъмурий орган ходимлари орасида унинг кўплаб шогирдларини учратиш мумкин. Шогирдлари ҳам у кишининг барча фазилатларидан ўрнак олган ҳолда фаолият юритмоқда.

Юрт тинчлиги ҳамда оқошталлиги йўлида сидқидилдан ва фидокорона қилган меҳнатлари ҳукматимиз ва Республика прокуратура органлари раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист", "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвонлари, медал ва фахрий ёрликлар билан мукофотланди ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишонин билан тақдирланди.

Қобилжон ака бугун фарзандлари, невар ва чеваралари даврасида табаррук ёшни қаршиламакда.

Ҳурматли Қобилжон Розиковчи! Сизни муборак 80 ёшингиз билан кутлаймиз. Сизга сihat-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-товуқлик ва оқошталлик тилаймиз.


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Хаммаси яхши бошланган эди. Осиё чемпионлар лигасида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган "Бунёдкор" ва "Пахтакор" жамоалари мавсумни кўтаринки кайфиятда бошлашди. Таркибини Ристич ва Денилсон каби тажрибали футболчилар билан қучайтирган "Бунёдкор" 2010 йилги Осиё чемпионлар лигасидаги илк учрашувни анчагина жиддий рақиб ҳисобланган Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоасига қарши ўтказиб, мавсумдаги ўзининг энг чиройли ўйинини намойиш этган ҳолда 3:0 ҳисобидаги йирик ғалаба билан бошлади. Гурӯҳдаги иккинчи ўйинни сафарда ўтказиб, БААнинг "Ал-Ваҳда" жамоасини 1:2 ҳисобида мағлуб этди ва гурӯҳда қарвонбошилиқни кўлга олган эди. Хаммаси Эронда "Зобхан"дан қабул қилиб олинган қақшатиқ мағлубиятдан бошланди. Шундан сўнг нимадир бўлди-ю, жамоа ўйинида пасайиш кузатила бошланди. Охир-оқибатда эса, таникли мутахассис Луис Фелипе Сколари жаноблари жамоадан "бош олиб" кетди. Унинг ортидан эса Ривалдо келган шогирдларини олиб ҳўнаб қолди. Бу ҳали хаммаси эмасди. Кейинчалик жамоа етакчилари Сервер Жепаров ва Жасур Ҳасановлар ҳам бошқа жамоаларга ўтиб кетишди. Хуллас, йил бошида халқро майдонларда юксак чўққиларни кўзлаган "қалдирғочлар"нинг парвози кўзланганидай бўлмади.

Энди "Пахтакор" ҳақида тўхталсак. 2010 йил пахтакорчилар учун ҳам омадли келмади. Осиё чемпионлар лигасини ғалаба билан бошлаган "Пахтакор" яқунда нимчорак финалдан нарига ўта олмади. Худди "Бунёдкор" каби. Бундан ташқари, миллий чемпионатимизда ҳам пахтакорчиларнинг ишлари юришмади. Чемпионат сўнггида қумуш медалларга эгалик қилишган бўлсалар-да, Ўзбекистон кубогидан ярим финалдан нарига ўта олишмади.

Осиё кубогидида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Қаршининг "Насаф" жамоаси ҳам нимчорак оstonасида қолиб кетди. Гапнинг пўст калласини айтганда, халқро мусобақаларда Ўзбекистон номидан иштирок этган клубларимиз ишончни оқлай олишмади. Маҳаллий клубларимиз мухлислар ҳафсаласини пир қилгани етмагандек, ёшларимиз Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида зиммаларига юкланган вазифани адо эта олишмади. Жаҳон чемпионати йўлнамасини кўлга киришти деб турган бир вазиятда қуруқ кўл билан қайтишди.

Гуангжоуда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида иштирок этган олимпия терма жамоамиз эса мухлислар кутган ўйинини намойиш этмади. Очиғи, ўзбек футболининг келажаги, дея эътироф этилаётган олимпиячиларимиздан бу қадар бўш ўйинларни кутмаган эдик. Бу эса, миллий терма жамоамиз бош мураббий В.Абрамов учун яхшигина бахона бўлди. Сабаби, Қатарда бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатида олимпиячиларимиздан бирорта футболчи тақлиф қилинмади. Гап бевосита миллий терма жамоамиз билан боғланган экан, очиғи, Абрамов шогирдлари ҳам мухлисларни хурсанд қилгани йўқ. Тўғри, бу йил миллий терма жамоамиз бирор халқро турнирда қатнашмади. Шундай бўлса-да, 2011 йилнинг энг аҳамиятли мусобақасига тайёргарлик йўлидаги ишлардан мухлисларнинг кўнгли тўлгани йўқ. Терма жамоага Вади́м Абрамов бош мураббий этиб тайинланган, кўпчилик хавотирга тўшиб қолди. Буни амалда, ўртоқлик уч-



Сарҳисоб

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
журналист

рашувларида ҳам гувоҳи бўлдик. Биргина Баҳрайн устидан қозонилган ғалабани ҳисобга олмасак. Абрамов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тажриба мактабига айлантириб юбордик. Бутун йил давомида ўтказилган ўртоқлик учрашувларида терма жамоа сафиди янги футболчиларни синаш билан кун ўтказди. Аммо буни бутунлай қоралаб бўлмайди. Албатта, юртимиз истеъдодларга бой. Буни Тошкентда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳам кўрдик. Бироқ айни вазиятда миллий терма жамоамизнинг ўйинини кўчайтириб юборадиган янги номзодни миллий чемпионатимиздан топиш амри маҳол. Абрамов қанчалик истамасин, яқунда барибир амалдаги терма жамоа футболчиларига таянади. Буларнинг қимлигини яхши билсангиз керак. Сервер Жепаров, Одил Аҳмедов, Жасур Ҳасанов ва ҳоказо.

2010 йилда биргина Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мухлислар қалбига малҳам бўла олди. Тошкентда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Алексей Евстафеев шогирдлари бошқа термаларимиздан фарқли равишда ўзларининг ҳужумкор ўйинлари билан барчани бирдек қувонтирди. Кўпчилик ўсмирларимизни ЖАРда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ажойиб ўйин кўрсатган "немис машинаси" (Германия терма жамоаси)га қиёслашга ҳам улгуришди. Тўғри, Евстафеев шогирдлари улар даражасидаги футбол намойиш этмаган бўлсалар-да, ўзбек футбол тарихида янги саҳифа очиб беришди.

Ўсмирларимиз нафақат жаҳон чемпионати йўлнамасини кўлга кириштиди, балки финалгача ҳам етиб бора олишди. Ҳатто чемпион ҳам бўлишлари мумкин эди. Бироқ финал учрашувида ҳаманинг қаттиққўллиги бугун имкон бермади. Бироқ ўзбек футбол мухлислари асло ўсмирларимиздан ранжигани йўқ. Қайтанга эриётган шам мисоли сўнаётган умидни қайта қонлантирди. Демак, эртанги кунга ишонч бор. Келгуси йили Мексикада бўлиб ўтайдиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасидан бундан-да чиройли ўйинларни кўтиб қоламиз.

2010 йилда ўзбек фут-

боли осмонидида ўсмирларимиздан ташқари яна икки юлдуз порлади. Биз учун унчалик ҳам таниш бўлмаган Санжар Турсунов ҳамда Баҳодир Насимовлар миллий терма жамоамизга муносиб равишда янги номзод ҳисобланишади. Бу йил бу икки футболчининг ўйинлари футбол мухлислари ва мутахассислари эътиборига тушди. Шу сабабдан ҳам В.Абрамов Санжар Турсуновни миллий терма жамоамизга тақлиф қилди. Аммо Қатарда бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатида қатнашадиган 23 футболчи орасида Насимовнинг фамилияси зикр қилинмади.

Қисқаси, ўтаётган 2010 йил ўзбек футбол учун ҳам алам-ли, ҳам қувончли лаҳзаларни тақдим этди. Кириб келаётган

2011 йилни эса асосий терма жамоамиз Осиё чемпионатидаги иштироки билан бошлаб беради. Кейинчалик эса, "Пахтакор" ва "Бунёдкор" Осиё чемпионлар лигасида, "Насаф" ва "Шўртан" жамоалари эса Осиё кубогидида Ўзбекистон номини ҳимоя қилади. Ёзда Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз 2012 йили Лондонда бўлиб ўтайдиган Олимпияда ўйинларида қатнашиш учун саралаш баҳсларига киришади. 2011 йилда футбол мухлисларининг диққат марказида бўладиган турнирлардан яна бири ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳисобланади. Умуман олганда, кириб келаётган янги йил ўзбек футболда ўта масъулиятли мавсум бўлади. Умид қиламиз, 2011 йил ғалабалар қувончидан дўпписини осмонга отишга орзуманд ўзбек футбол мухлислари учун бахтли лаҳзаларни тақдим этади.

2011 йилнинг бошида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ана шундай мақсад йўлидаги биринчи қадамни ташлаши керак. Эрталаб уйдан қандай кайфиятда чиқсанг, кечгача шу кайфият сенга ҳамроҳ бўлади, деган гап бор халқимизда. Демак, миллий терма жамоамизнинг зиммасида ўта масъулиятли вазифа турибди. Абрамов шогирдлари 7 январь кун мусобақанинг илк учрашувида мезбонлар Қатар терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Терма жамоамиз бош мураббий Вади́м Абрамов Қатарга борадиган 23 футболчининг номини эълон қилди. Қуйида улар билан танишасиз.

Дарвозабонлар

1. Нестеров Игнатий - "Бунёдкор" Тошкент
2. Зухров Муроджон - "Насаф" Қарши
3. Жўраев Тимур - "Пахтакор" Тошкент

Ҳимоячилар

4. Жўраев Саҳоб - "Бунёдкор" Тошкент
5. Крушельницкий - "Шўртан" Ғузор
6. Муллажонов Шавкат - "Олмалиқ" Олмалиқ
7. Исмаилов Анзор - "Бунёдкор" Тошкент
8. Нурлибоев Фаррух - "Олмалиқ" Олмалиқ
9. Карпенко Виктор - "Бунёдкор" Тошкент
10. Ибрагимов Азиз - "Богемиянс" Прага

Ярим ҳимоячилар

11. Кападзе Тимур - "Бунёдкор" Тошкент
12. Андреев Станислав - "Пахтакор" Тошкент
13. Жепаров Сервер - "Сеул" Ж.Корея
14. Турсунов Санжар - "Волга" Нижний Новгород
15. Хайдаров Азиз - "Бунёдкор" Тошкент
16. Хасанов Жасур - "Лехвия" Қатар
17. Аҳмедов Одил - "Пахтакор" Тошкент
18. Саломов Шавкат - "Насаф" Қарши
19. Бикмаев Марат - "Алания" Владикавказ
20. Галиулин Вагиз - "Сибирь" Новосибирск

Ҳужумчилар

21. Новков Олим - "Кизилкумолтин" Зарафшон
22. Гейрих Александр - "Пахтакор" Тошкент
23. Шацких Максим - "Арсенал" Киев

Янги йилни ажойиб ғалабалар билан бошлаш умидида Ўзбекистон миллий терма жамоасига омадлар тилаймиз. 2011 йилда қалбларга қувонч улашадиган ғамму нурлат оилари сизу бизга ҳамроҳ бўйсин!

Huquq
yuridik gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Баш
прокуратураси

Баш муҳаррир:
Жаҳонгир МАКСУМОВ

Ташри ҳай'ати:

Аббосхон САНГИНОВ, Мухтор ЗОИРОВ,
Гулноза РАҲИМОВА, Юсупбой ҒОЙПОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Бахтиёр НАЗАРОВ (Баш муҳаррир о'ринбосари),
Шавкат ЮДГОРОВ (мас'ул котиб)

Ташрият манзили:
Тошкент шаҳри, Яхйо
Ғ'уломов к'ҳаси, 66-уй.

Телефон: 233-98-40,
233-10-53.

Факс: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Ташриятга келган қ'йозмалар тақрир қилинмайди ва егаларига қайтарилмайди. Муаллиф фикри ташрият нўқтай назардан фарғланishi мумкин.
«HUQUQ» материалари к'ч' ч'риб бoшиш фағат ташрият рўхсати билан амалга oшiriлади.
(1) — тiјорат материал.
Реклама материалларининг мазмунини оцтин ташрият йавобгар емас.

Газета 0'zbekiston Республикаси матбуот ва ахборот агентлигида
2009-йil 12-октябрда 0188-raqam билан 0' y'xtat оlingan.

№shkr 0'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-813. 19 913 nusxada bosildi.
Gazeta tashriyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: S.BOBONOV
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Navbatchi: O'.DEHONOV

Gazeta «0'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda